

# Ishonch

2019 йил 19 январь • шанба • № 10-11 (4140)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ўзбекистон – Ҳиндистон:

## КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди билан 17-18 январь кунлари ўшбу мамлакатда амалий ташриф билан бўлиб, «Жўшқин Гужарат – 2019» IX халқаро инвестиция саммитида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари 18 январь куни Гандинагар шаҳрида «Жўшқин Гужарат – 2019» халқаро саммити доирасида Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди билан учрашди.

Бош вазир Президентимизни Ҳиндистонга яна бир бор ташрифи билан самимий қутлар экан, нуфузли Ўзбекистон делегациясининг саммит ишидаги иштироки учун чуқур миннатдорлик изҳор қилди.

Ўзбекистон Президентининг Ҳиндистонга ташрифи олий даражадаги мулоқотнинг мантиқий давоми, шунингдек, мамлакатларимиз ўртасида тобора мустаҳкамланиб бораётган дўстлик ва шериклик муносабатларининг яна бир ёрқин далилидир.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўтган йили октябрь ойида Ҳиндистонга давлат ташрифи якунлари бўйича эришилган келишувлар ва имзоланган битимларнинг амалий ижроси билан боғлиқ масалалар, шунингдек, икки томонлама кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Ташрифдан сўнг ўтган қисқа вақт давомида барча йўналишдаги ўзаро алоқалар фаоллашгани қайд этилди.

Ўтган ҳафта Самарқанд шаҳрида «Ҳиндистон – Марказий Осиё» мулоқоти ташқи ишлар вазирларининг Афғонистон иштирокидаги биринчи учрашуви бўлиб ўтди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳасида Тошкентда қўшма Тадбиркорликни ривожлантириш маркази ўз фаолиятини бошлади. Мамлакатимизда Ҳиндистон саноат конфедерацияси ваколатхонаси очилиши кўзда тутилмоқда.

Саммит арафасида Гужаратда Ўзбекистон – Ҳиндистон ишбилармонлар кенгазининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Ҳиндистонлик ҳамкорлар билан Тошкент шаҳрида илгор ахборот технологиялари технопарки, Андижон вилоятида фармацевтика зонаси ташкил этилмоқда.

Ҳиндистон Эксимбанки билан Ўзбекистонда ижтимоий муҳим лойиҳаларни молиялаштириш учун қиймати 200 миллион долларга тенг кредит линияси ажратиш бўйича келишувга эришилди.

Янги ўқув йилидан бошлаб мамлакатимизда Ҳиндистоннинг етакчи олий ўқув юртлири – Амита ва Шарда университетлари ўз ишини бошлайди.

Давлат раҳбарлари ахборот-коммуникация технологиялари, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, заргарлик саноати, қишлоқ хўжалиги, сайёҳлик инфра-тузилмасини модернизация қилиш ва бошқа йўналишлардаги устувор лойиҳалар ва ҳамкорлик дастурларининг амалий ижросини жадаллаштириш зарурлигини қайд этди.

Маданий-гуманитар алмашувини янада кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, халқаро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб масалалари бўйича фикр алмашилди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Моди икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни фаол ривожлантириш йўлида қатъий эканликларини таъкидладилар.

Учрашув сўнгида Ҳиндистонга уран етказиб бериш бўйича имзоланган узоқ муддатли келишувни ўзаро алма-

шиш маросими бўлиб ўтди.

Гандинагар шаҳридаги «Маҳатма Мандир» кўрғазмалар мажмуасида «Жўшқин Гужарат – 2019» IX халқаро инвестиция саммити бўлиб ўтди.

Саммитда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, шунингдек, Австралия, Канада, Франция, Япония, Норвегия, Нидерландия, Польша, Корея Республикаси, Дания, Чехия, Мальта, Таиланд, БАА каби мамлакатлардан давлат ва ҳукумат раҳбарлари, халқаро ташкилотлар ва трансмиллий корпорациялар бошлиқлари, экспертлар иштирок этди.

Йирик иқтисодий анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Гужарат штати қадимдан савдо ва тадбиркорликда етакчи ҳудуд бўлиб келгани, мазкур саммит ана шу анъаналарни давом эттириб, замонавий Ҳиндистоннинг бизнес руҳини намоян қилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Ҳиндистон билан узоқ муддатли стратегик шерикликни мустаҳкамлаш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканини алоҳида қайд этиб, икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш учун қатор таклиф ва ташаббусларни илгари сурди.

Эраимиздан аввалги III-II асрларда ҳинд заминини Марказий Осиё билан Буюк Ҳиндистон йўли боғлагани яхши маълум. Бугун ҳам Марказий ва Жанубий Осиё бозорлари ўртасидаги ишончли савдо ва транспорт коммуникацияларини яратиш ҳар қачонгидан долзарбдир. Биз Трансфтон темир йўли лойиҳасини муҳокама қилияпмиз. Истиқболда бу йўл Жанубий Осиёга, жумладан, Чоҳбаҳор порти орқали Ҳиндистонга чиқиш имконини беради, – деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари ахборот технологиялари, дастурий таъминот, қишлоқ

хўжалиги, қайта тикланадиган энергия ҳамда ўшбу соҳалар учун мутахассислар тайёрлаш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишни таклиф этди. Бу бўйича дастлабки ҳаракатлар бошланган.

Сармоядорларни Ўзбекистонга жалб қилиш учун энг қулай шароитлар яратилиши алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон, аввало, кимё саноати ва энергетика, фармацевтика, тўқимачилик, чарм-пойабзал, туризм соҳаларидаги истиқболли лойиҳаларни амалга оширишдан манфаатдор.

– Гужаратнинг улкан иқтисодий салоҳияти ва Андижон вилояти билан шериклик алоқаларидан келиб чиқиб, шох Бобур туғилган ва улуг Акбаршоҳ аждодларининг ватани бўлмиш Андижонда Ўзбекистон – Ҳиндистон минтақалари бизнес-форумини шу йили ўтказишни таклиф қиламиз, – деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари 2020 йилда Ҳиндистонда «Ўзбекистон маданияти йили» ҳамда Ўзбекистонда «Ҳиндистон маданияти йили»ни ўтказиш, жорий йилда юртимизда Ўзбекистон – Ҳиндистон Ёшлар фестивалини ташкил қилиш таклифини илгари сурди.

Президентимиз сўзининг якунида юртимизнинг саноат, инвестиция ва сайёҳлик салоҳияти, бой тарихи ва маданияти ҳақида танишиш имконини берувчи саммит доирасида ташкил этилган Ўзбекистон кўрғазмасига барчани таклиф қилди.

«Жўшқин Гужарат – 2019» саммитида сўзга чиққанлар ҳамкор мамлакатлар ўртасида ўзаро тажриба ва технология алмашиш, янги шериклар ва инвестициялар жалб этиш йўллариини топиш бўйича ўз нуқтаи назарларини баён этди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ҳиндистон Республикасига амалий ташрифи якунига етди.

Умар АСРОРОВ,  
ЎЗА МАХСУС МУҲБИРИ  
Гандинагар – Тошкент.

Ўзбекистон Республикаси

Президентининг  
ФАРМОНИ

2017-2021 йилларда

ЎЗБЕКИСТОН

РЕСПУБЛИКАСИНИ

РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ

БЕШТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР

СТРАТЕГИЯСИНИ

«ФАОЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА

ИЖТИМОЙ РИВОЖЛАНИШ

ЙИЛИ»ДА АМАЛГА

ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ

ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

«Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» деб эълон қилинган 2018 йилда мамлакатимизда иқтисодий, ижтимоий соҳа ва давлат бошқарувида замонавий илм-фан ютуқлари, инновацион ғоялар ва технологияларни жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Қабул қилинган 2018 йилги Давлат дастурини рўйбга чиқариш доирасида 21 триллион сўм ва 1 миллиард АҚШ долларига тенг 76 мингта лойиҳа амалга оширилди.

«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларига мувофиқ 400 дан ортиқ қишлоқ ва маҳаллаларда муносиб турмуш шароитларини яратишга қаратилган қурилиш ва обodonлаштириш ишларига 3 триллион сўм маблағ йўналтирилди.

«Ҳар бир оила – тадбиркор» ва «Yoshlar – kelajagimiz» дастурлари доирасида 2 триллион сўмга яқин маблағ ажратилиб, жойларда 2 600 дан ортиқ бизнес лойиҳалар амалга оширилди.

Ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини қучайтириш ва меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди ҳамда бу аҳолининг реал даромадларини 2017 йилга нисбатан 12 фоизга ошириш имконини берди.

Янги ўқув йўналишларини очиб ва қабул квоталарини ошириш ҳисобига олий таълим олиш имкони-

ятлари салмоқли даражада кенгайтирилди.

Солиқ маъмуриятчилигининг моҳиятан янги тартиби жорий этилгани сабабли солиқларнинг прогноздан ошириб бажарилган қисми ҳисобидан маҳаллий бюджетлар ихтиёрида 5,5 триллион сўм маблағ қолдирилди. Бу 2017 йилги кўрсаткичларга нисбатан 6 баробар, 2016 йилга нисбатан 32 баробар кўпдир.

Бундан ташқари, иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш, ишбилармонлик муҳити ва инвестициявий жозибадорликни яхшилаш, аҳоли даромадларини ошириш ва бизнес учун солиқ юкини камайтиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси қабул қилинди.

Хусусан, ягона ижтимоий тўлов ставкасининг 12 фоизгача пасайтирилиши ҳамда юридик шахсларнинг айланмаси (тушуми)дан давлат мақсадли жамғармаларига ундириладиган мажбурий ажратмаларнинг бекор қилиниши корхоналар ихтиёрида қўшимча маблағлар қолиши учун шарт-шароит яратди.

2018 йилда 18 та давлатлараро ташрифлар амалга оширилди ва 50 миллиард АҚШ долларига тенг инвестициявий келишувларга эришилди. Бугунги кунда юртимизда чет эл инвестициялари ҳисобидан қиймати 23 миллиард АҚШ доллари миқдоридидаги 456 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

2

«Жўшқин Гужарат – 2019» халқаро инвестиция саммити доирасида Гандинагар шаҳридаги «Маҳатма Мандир» кўрғазмалар мажмуасида турли семинарлар, соҳалар бўйича янги трендлар ва тенденцияларни белгилаб берувчи музокаралар бўлиб ўтди.

### Ўзбекистон инвестиция салоҳияти Ҳиндистонда намойиш этилди

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси иштирокида ташкил этилган семинарда мамлакатимизнинг бугунги қиёфаси, янги мақсадлари, имконият ва салоҳияти ҳақида тақдиди ўтказилди.

Ўзбекистонда инвесторлар учун барча шароит яратилиб, кенг имтиёзлар берилётгани, улар ҳуқуқий ҳимоя қилиниши ҳақида сўзлаб берилди. Мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналар фаолият кўрсатаётгани, хорижий инвестицияларни жалб этиш учун солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар берилётгани, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, тўқимачилик, туризм каби соҳаларда инвестициялар жалб қилинаётгани иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Тадбирда инвестицион муҳитдаги ижобий ўзгаришлар туфайли бизнеснинг турли йўналишларида жаҳон брендлари Ўзбекистон бозорига кириб келаётгани ҳақида сўз юритилди. Ҳинд ишбилармонларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

Умар АСРОРОВ,  
ЎЗА МАХСУС МУҲБИРИ

## Мамлакатимиз учун урбанизация қанчалик муҳим?

Президентимизнинг 2019 йил 10 январдаги «Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони биз учун нечоғли аҳамиятли? Урбанизация жараёнининг асл моҳияти нималардан иборат?

Урбанизация латинча «urbanus» сўзидан олинган бўлиб, мазмун-моҳиятига кўра жамият ривожига шаҳарлар, шаҳар маданияти ва шаҳарларга хос бошқа муносабатларнинг ривожланиш жараёни демакдир. У қишлоқ аҳоли пунктларининг шаҳарларга айланиши,



шаҳар атрофи зоналарининг кенгайиши ҳамда қишлоқ аҳолисининг шаҳарларга кўчиб бориши ҳисобига юз беради.

Ушбу жараён йилдан-йилга жадаллашиб бормоқда. Статистик маълумотларга кўра, 1800 йилда дунё аҳолисининг атиги 2 фоизи шаҳарларда

яшаган, 1950 йилда бу кўрсаткич 30 фоизни ташкил қилган, ҳозирда эса 50 фоизга тенг. 2050 йилга бориб эса сайёраимиз аҳолисининг учдан икки қисми шаҳар минтақаларида истиқомат қилиши тахмин қилинмоқда.

3

### Келгуси сонларда ўқинг

Янги руҳ:  
ОЧИК  
ИНТЕРВЬЮ



Жавоб  
излаётган  
саволлар





# Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## 2017-2021 йилларда ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БЕЎТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИ «ФАОЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ РИВОЖЛАНИШ ЙИЛИ»ДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ижросини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Умумий қиймати 16,9 триллион сўм ва 8,1 миллиард АҚШ долларига тенг лойиҳаларни амалга оширишни назарда tutuvchi ҳамда қуйидагиларга қаратилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури (кейинги ўринларда – Давлат дастури) 1-иловага мувофиқ тасдиқланган:

давлат ва жамият курилиши тизимини такомиллаштириш соҳасида – парламентнинг муҳим қарорлар қабул қилиш ва қонунлар ижросини назорат этиш фаолиятини кучайтириш, ижро этувчи ҳокимият тизимини оптималлаштириш, маъмурий ислохотларни давом эттириш, давлат бошқарувида замонавий менежмент услубларини кенг қўллаш, давлат хизматларини ривожлантириш, давлат хизматига малакали мутахассисларни жалб этишга қаратилган ягона кадрлар сиёсатини шакллантириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколат ва масъулиятини қайта қўриб чиқиш, уларнинг мустақиллигини ошириш;

қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш соҳасида – суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигига эришиш, аҳоли тинчлиги, ҳавфсизлигини ва қонунийликни таъминлаш, жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш бўйича зарур чоралар қўриш, жиноят қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш;

иқтисодиётни ривожлантириш ва инвестицияларни фаол жалб этиш соҳасида – макрорикисодий барқарорликни таъминлаш, соғлом рақобат учун зарур шароитларни яратиш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, иқтисодиётда давлат иштирокини жиддий равишда камайтириш, юқори иқтисодий ўсish суръатларини сақлаб қолиш, «хуфёна» иқтисодиётга қарши курашиш ва унинг улушини кескин қисқартириш, валюта сиёсатини эркинлаштиришни давом эттириш;

ижтимоий ривожланиш соҳасида – аҳоли ўртасида ишсизликни камайтириш, одамларнинг даромадларини ошириш, фан ва улусизқ таълимни ривожлантириш, тиббий хизматлар сифатини яхшилаш ва улар билан аҳолини қамраб олишни кенгайтириш, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, одамларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, уларни муносиб турар жой билан таъминлаш ва фаровонлигини ошириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жисмоний тарбия ва спортни янада омаллаштириш, туризмини ривожлантириш;

хавфсизлик, миллатлараро тотулик ва диний баргикенгликни таъминлаш, шунингдек, ташқи сиёсат соҳасида – мамлакатимиз мудофаа қудратини ошириш, Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларининг салоҳиятини мустаҳкамлаш, миллий мудофаа саноти комплексини шакллантириш, экологик хавфсизликни таъминлаш, сув ва бошқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, очиклик, ўзаро тенг ва манфаатли ҳамкорлик таъминлашга асосланган ташқи сиёсий фаолият самардорлигини янада ошириш.

2. Давлат дастурида назарда тутилган тадбирлар, айниқса, хорижий инвестицияларни жалб этиш, кулай инвестиция муҳитини яратиш, шунингдек, мамлакатимиз ҳудудларининг ижтимоий ривожланиш даражасини ошириш соҳасидаги тадбирларнинг самарали ва ўз вақтида ижро этилишини таъминлаш учун шахсан масъул ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси мансабдор шахслари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари 2-иловага мувофиқ мамлакат ҳудудларига бириктирилсин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан ҳар чоракда Давлат дастури ижросининг бориши тўғрисида ҳисоботлар эшитилади, мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича тақлифлар киритилади, Давлат дастуридаги тадбирлар сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш учун зарур чоралар қўрилади.

3. Ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари билан биргаликда инвестиция лойиҳалари амалга оширилишининг бо-

ришини муҳокама қилиш, инвесторлар фаолиятига тўқсинлик қилаётган муаммоларни тезкор ва самарали ҳал этишни таъминлаш мақсадида инвесторлар билан шахсан учрашувларни, шу жумладан, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтказиш амалиёти жорий этилсин.

4. Мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларни маслаҳат ва экспертлик жиҳатидан таъминлашни амалга ошириш, шунингдек, жамият ва давлат ҳаётини ислох қилиш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг долзарб масалалари, жумладан, мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилаш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Эксперт кенгаши ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги икки ой мuddатда қуйидагиларни тасдиқлашни назарда tutuvchi Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритсин:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Эксперт кенгаши таркиби, бунда унинг таркибига муваффақиятга эришган тадбиркорлар, атоқли давлат ва жамоат арбоблари, олимлар, жумладан, хорижий давлатлар фуқаролари ва хориждаги ватандошларни киритиш назарда тутилсин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Эксперт кенгаши тўғрисидаги низом.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2019 йил 1 июнга қадар ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, биринчи навбатда, инвестиция жалб этиш учун устувор йўналишларни назарда tutuvchi Ўзбекистон Республикасининг ўрта мuddатли истиқболдаги инвестиция сиёсати стратегияси (кейинги ўринларда – Стратегия) ишлаб чиқилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ҳафта мuddатда 2019 йилда Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар – устувор ҳамкорлар билан савдо-иқтисодий, инвестиция, маданий-гуманитар ва сиёсий, шунингдек, хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлигини янада фаоллаштириш ва ривожлантиришга қаратилган аниқ тадбирлар бўйича тақлифларни киритсин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар – устувор ҳамкорлар билан ҳамкорлигини янада фаоллаштириш бўйича тақлиф этиладиган тадбирлар ва йўналишлар Давлат дастури ва Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастури билан ўзаро узвий боғлиқ бўлиши лозим.

7. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг қуйидагиларни ташкил этиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин:

а) эълон қилинган капиталга 1 миллиард АҚШ доллар миқдорига бўлган Ўзбекистон Республикасининг тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма). Қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

республика иқтисодиётининг ишлаб чиқариш салоҳиятини кенгайтиришга, шунингдек, унинг рақобатбардошлигини янада оширишга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва инновациялар технологияларини жалб этиш;

хусусий маҳаллий ва хорижий инвесторлар билан узок мuddатли ўзаро манфаатли шериклик муносабатларини йўлга қўйиш орқали инвестиция фаолиятини рағбатлантириш ва ривожлантириш;

инвестиция тақлифларини баҳолаш, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

инвестиция муҳитини яхшилашга, шунингдек, республикаимизнинг инвестиция салоҳияти ва имкониятларини хорижда кенг тарғиб қилишга қўмаклашиш;

б) Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан шакллантирилаётган 5 миллион АҚШ доллар миқдоригаги устас капиталга эга, акциядорлик жамияти шаклидаги, давлат улуши 100 фоиз бўлган Ўзбекистон Республикаси тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармасининг бошқарув компанияси (кейинги ўринларда – бошқарув компанияси).

8. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси Жамғарманинг ягона таъсисчиси ҳисобланади ҳамда унинг капиталини Жамғарма билан биргаликда лойиҳаларга инвестиция киритиш тўғрисида инвесторлар томонидан

қарор қабул қилинишига қараб шакллантиради;

инвестиция лойиҳалари бошқарув компанияси томонидан инвестиция учун устувор соҳалар, иқтисодий мақсадга мувофиқлик ва самарадорлик ҳисобга олинган ҳолда мустақил равишда танлаб олинади;

бир лойиҳа бўйича Жамғарма инвестицияларининг энг кўп миқдори ушбу лойиҳага киритилиши режалаштирилаётган инвестициялар умумий ҳажмининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим, қолган қисми инвесторларнинг ўз маблағи ва жалб қилинган маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

Жамғарма ва бошқарув компанияси фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси томонидан амалга оширилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой мuddатда қуйидагиларни назарда tutuvchi ҳукумат қарорини қабул қилсин:

Ўзбекистон Республикаси тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси тўғрисидаги низомини тасдиқлаш;

тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни биргаликда молиялаштириш таъминлири асосида жалб қилиш бўйича самарали ва шаффоф тижорат майдонини яратган ҳолда Жамғарма ва бошқарув компанияси ўртасида ҳамкорлик қилиш тартибини белгиласин;

томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, инвестиция сиёсатининг таъминлири, шунингдек, уни амалга ошириш механизмларини белгиланган ҳолда Жамғарма ва бошқарув компанияси ўртасида инвестиция активларини ишончли бошқариш тўғрисида шартномалар тузиш тартиби.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси (З.Ш.Низомиддинов) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (А.Н.Арипов) ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 мартга қадар инвестиция лойиҳаларини, биринчи навбатда, иқтисодиётнинг устувор тармоқларида амалга оширишни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашнинг замонавий шакл ва услубларини жорий этишни ҳисобга олган ҳолда, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини таъминлаштириш назарда tutuvchi Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин.

11. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2019 йил 1 мартдан бошлаб:

хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг таъсисчилари (иштирокчилари) ва уларнинг оила аъзолари учун мuddатини мамлакатдан чиқмасдан узайтириш имконияти бўлган, амал қилиш мuddати уч йилни ташкил қиладиган «инвестиция визиси» жорий этилади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турварлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш бўйича корхоналар ташкил қилиш учун 3 миллион АҚШ долларидан ортиқ миқдорда инвестиция киритган хорижий давлатлар фуқароларига, шу жумладан, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг таъсисчилари (иштирокчилари)га Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси 10 йил мuddатга соддалаштирилган тартибда берилди;

Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ёки «инвестиция визиси»га эга хорижий инвесторлар ҳамда уларнинг оила аъзолари Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун назарда тутилган шартларда тиббий ва таълим хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади;

хорижий инвесторлар, улар томонидан хорижий давлатлар фуқаролари орасидан жалб этиладиган мутахассислар ва уларнинг оила аъзоларини вақтинча рўйхатга олиш инвестиция лойиҳаси рўёбга чиқарилаётган ҳудуддаги аҳоли яшаш пунктида, мамлакатининг бошқа ҳудудларида бўлганда қайта рўйхатдан ўтиш мажбуриятисиз, визанинг амал қилиш мuddатига (виза мавжуд бўлмаганда эса 1 йил мuddатга) амалга оширилади.

12. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан Абу Даби ривожланиш жамғармаси (БАА) билан биргаликда Ўзбекистон-Амириклар инвестиция компаниясини (кейинги ўринларда – инвестиция компанияси) ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С.Р.Холмуродов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ижрочи директори Ш.А.Бафоевга Ўзбекистон-Амириклар инвестиция компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги таъсис шартномасини имзоласх ваколати берилсин.

13. Белгилансинки, инвестиция компанияси:

Абу Даби ривожланиш жамғармаси

(БАА) компаниясининг 75 фоиз миқдордаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 25 фоиз миқдордаги улушлари ҳисобига 5 миллион АҚШ доллар миқдоригаги устас фондига ва 1 миллиард АҚШ доллар миқдоригаги эълон қилинган капиталга эга бўлиб, масъулияти чекланган жамият шаклида ташкил этилади, бунда қўшимча иштирокчиларни ўрнатилган тартибда жалб этиш мумкин бўлади;

фаолият кўрсатаётган ва янги ташкил қилинаётган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг устас капиталарида улушлар сотиб олиш, қарзлар бериш, қимматли қозғоларни муомалага чиқариш, ҳўжалик юритувчи субъектлар устас капиталдаги улушларни маҳаллий ва хорижий инвесторларга реализация қилиш ва қонун билан тақиқланмаган бошқа шаклларда инвестиция фаолиятини олиб бориш ҳўқуқига эга;

Бирлашган Араб Амирикларининг инвестициявий, молия институтлари ва компаниялари билан инвестициявий ҳамкорлиқни ривожлантириш вазифаларини бажаради, улар билан инвестициявий муносабатларни мувофиқлаштиради, шунингдек, қўшма инвестициявий лойиҳаларни қўллаб-қувватлайди ва рўёбга чиқаришга қўмаклашади.

14. Белгилаб қўйилсинки:

инвестиция компанияси, шунингдек, унинг таъсисчилари олинган дивиденд ва фойзалар бўйича даромадлар билан бирга фойда солиғи, мол-мулк солиғи ва ер солиғидан, шунингдек, унинг мол-мулки ва активларини реализация қилишда қўйилган қиймат солиғидан 3 йил мuddатга озод қилинади;

устас фонди (капитали)нинг қийматда 30 фоизи инвестиция компанияси маблағлари ҳисобидан шакллантирилган янги ташкил этилган корхоналарга хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар учун қонунчиликда назарда тутилган имтиёз ва преференциялар таъбиқ этилади.

15. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси бошқарув ҳодимларининг вақант лавозимларини қисқартириш ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ислохотларни ҳўқуқий таъминлаш ва ҳўқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлинмалари тузилимида 5 та штат бирлигидан иборат Халқаро рейтинглар билан ишлаш ва «Электрон ҳўкумат» тизимини жорий этиш ишларини мувофиқлаштириш шўъбаси;

вазирлик ва идораларда – белгиланган штатлар сони доирасида халқаро рейтинглар бўйича фаолиятни амалга ошириш ва «Электрон ҳўкумат» тизимини жорий этиш учун масъул бўлган иктиссослашган таркибий бўлинмалар ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ва алоҳида таркибий индикаторлардаги ўринини яхшилаш учун масъул вазирлик ва идоралар рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

16. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига, энг аввало, хорижий ишбилармонлик доиралар, тадбиркорлар, саноатчи инвесторлар, давлат ва жамоат арбоблари ўртасида мамлакатда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, жумладан, Давлат дастурининг бориши, бизнес учун яратилган қўлай шароитлар тўғрисида кенг маълумот бериш ва тарғиб қилишни ташкил этиш учун масъул бўлган PR-марказ функцияси юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси (З.Ш.Низомиддинов) икки ҳафта мuddатда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги, жумладан, PR-марказ функциясини бажариш доирасида амалга ошириладиган тадбирларни молиялаштиришнинг аниқ мабларларини назарда tutuvchi Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳасини ишлаб чиқсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳўқимияти органлари билан биргаликда етакчи халқаро молиявий ва консалтинг ташкилотларини жалб этиш ҳолда 2019 йил 1 июлга қадар устас капиталдаги давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг акциялар (улушлар) пакетларини сотиш назарда тутилаётган стратегия аҳамиятига эга бўлмаган ҳўжалик жамиятлари ягона рўйхати шакллантирилиши ва юритилишини таъминласин.

18. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари билан биргаликда 2019 йил 10 июлга қадар халқаро ишбилармонлик доираларида истиқболли инвестиция лойиҳалари, шу жумладан, устас капиталдаги давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг акциялар (улушлар)

пакетларини сотиш назарда тутилаётган ҳўжалик жамиятлари, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг тақдимотларини («Road Show») ўтказиш графигини тасдиқласин ва йил давомида амалга оширсин.

19. Белгилансинки, 2019 йил 1 мартдан бошлаб болалиқдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор оналарга, улар пенсия ёшига тулгандан сўнг, агар уларда пенсия тайинлаш учун зарур стаж мавжуд бўлмаса, ижтимоий нафақа тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой мuddатда ушбу бандда белгиланган ижтимоий нафақа миқдорини ва уни тўлаш тартибини назарда tutuvchi ҳўкумат қарорини қабул қилсин.

20. Банд бўлмаган аҳолини, айниқса, ёшларни меҳнат бозорига талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш, шунингдек, касбий малакалар бериш ва тасдиқлашнинг умуммиллий тизимини жорий этиш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йилдаги устувор вазифаси ҳисоблансин.

Белгилансинки, фуқаролар, айниқса, ёшлар томонидан ўз малакасини ошириш учун таъсирчан рағбатлантирувчи омиллар яратиш, шу жумладан, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тузилмасига кирувчи касб-хўнар коллежлари неғизида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида банд бўлмаган аҳоли ва ишсиз фуқаролар учун ўқитиш марказларини ташкил этиш ҳисобига замонавий ўқув ва ишлаб чиқариш технологияларига таъяган касбга ўқитишни йўлга қўйиш ва касбий малакани баҳолашни назарда tutuvchi касбий малакалар умуммиллий тизимини жорий этишга асосий эътибор қаратилиши лозим.

21. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги мамлакатда касбий таълим беришнинг замонавий тизимини жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича Давлат дастурида назарда тутилган вазифаларни рўёбга чиқариш мақсадида бир ой мuddатда ишчи касблар нуфузини юксалтириш ва касбий таълимни ривожлантириш бўйича халқаро ҳаракатга қўшилишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминласин.

22. Белгилансинки, 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб:

олий таълим муассасаларига ҳўужатларни давлат хизматлари марказлари орқали қабул қилиш тартиби босқичма-босқич жорий этилади;

мuddатли ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тавсияномасига эга шахслардан иборат абитуриентлар учун олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун ушбу шахслар ўртасида ўтказиладиган танлов асосида алоҳида квоталар ажратиш тартиби киритилади.

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси 2019 йил 1 мартга қадар:

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда олий таълим муассасалари томонидан талабаларни қабул қилиш квоталарини иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг истиқболдаги эҳтиёжларини, шунингдек, муассасаларнинг кадрларини сифатли тайёрлашни ташкил этиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда мустақил равишда белгилаш тартибини тасдиқласин ва ушбу тартиб 2019/2020 йилдан татбиқ этилишини назарда tutсин;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда хорижий дипломларнинг эквивалентлигини тасдиқлашдаги сўнғий тўқсиларни бартараф этиш ва уларни тан олиш жараёнини оптималлаштириш бўйича тақлифлар киритсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда қуйидагиларни назарда tutuvchi қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритсин:

Ўзбекистон Республикасида бўлиш қонидаларини бузиш билан боғлиқ жиноятларни либераллаштириш;

Ўзбекистон Республикасида бўлиш қонидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик чораларини дифференциация қилиш, ушбу тоифадаги ишларнинг ваколатли давлат органлари томонидан тезкор қўриб чиқилишини таъминлаш.

25. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, «Тараққиёт стратегияси» маркази, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташки-

лотлари миллий ассоциацияси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва кенг жамоатчиликнинг қуйидаги тақлифларига розилик берилсин:

а) «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати – нодавлат нотижорат ташкилоти ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳудудий бўлинмаларини ташкил этиш;

б) режалаштирилган ислохотларни, шу жумладан, Давлат дастурида назарда тутилган ислохотларни амалга оширишга қўмаклашиш мақсадида фуқаролар, хорижда яшаётган ватандошлар ва нодавлат нотижорат ташкилотларини иштиёрлик асосида бирлаштиришни «Юксалиш» умуммиллий ҳаракатининг асосий вазифаси этиб белгилаш, шу жумладан, қуйидагилар орқали бирлаштириш:

халқ ва бизнес ҳамжамияти билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш;

жамоатчилик назоратининг самарали тизимини шакллантириш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, шунингдек, фуқаролар, айниқса, ёшларнинг сўй-ҳаракатлари ва кучларини сафарбар этиш;

режалаштирилган, шу жумладан, Давлат дастурида назарда тутилган ислохотларнинг амалга оширилиши жараёнини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида муҳокама қилишда фаол иштирок этиш;



«1 Урбанизация жараёни 3 та асосий босқичда ривожланади.

Дастлабки шаклланаётган урбанизация босқичида шаҳар аҳолисининг улуши 50 фоиздан паст кўрсаткича бўлиб, янги шаҳарлар вужудга келади ва айрим қишлоқ жойлар шаҳар мақомига эга бўлади. Йирик шаҳарларнинг тез суръатларда ўсиши бошланади. Энг йирик шаҳарларнинг ўсиши айрим ҳолларда «сохта» урбанизация тарзида, аниқроғи, шаҳар чеккаларида қишлоқдан кўчиб келган паст даромадли аҳоли уй-жойларининг зичлашиб бориши кўринишида кечади. Ҳозирги кунда Осиё ва Африка қитъаларидаги қатор ривожланаётган мамлакатлар урбанизациянинг ана шу босқичини бошдан кечирмоқда.

Ривожланган урбанизациянинг иккинчи босқичи «миллионер» шаҳарларнинг юқори суръатларда ўсиши ҳамда йирик шаҳарлар атрофида агломерацияларнинг вужудга келиши билан тавсифланади. Шаҳарликларнинг жами аҳолига нисбатан улуши 50 фоиздан ортиб кетади, янги шаҳарлар деярли вужудга келмайди, мавжуд шаҳарлар, айниқса, йириклари тез ривожланиб, шаҳар манзилгоҳларининг тизимлари шаклланиб боради.

Урбанизациянинг ушбу юқори босқичи Шарқий Европа, Лотин Америкаси, Жануби-Ғарбий Осиё, Шимолий Африка, МДҲ давлатлари ҳамда Океания минтақасидаги кўпала мамлакатларга хосдир.

Яна фармон мазмун-моҳиятига қайтамыз. Унга кўра, жорий 1 июлдан бошлаб юридик ва жисмоний шахсларга қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштиришга рухсат берилади.

Маълумки, умумжаҳон миқёсида мулкдор ҳуқуқининг ҳимоя қилиниши — иқтисодий фаолиятнинг муҳим шартларидан бири сифатида эътироф этилган. Тасаввур қилинг: сиз мулкдорсиз! Ўзингиз ёхуд фарзандингиз учун ҳовли қурмоқчисиз, завод, фабрика очиб, ишга тушири-

моқчисиз. Лекин иш бошлашингиздан аввал сизда бироз ҳадик бор! Қураётган уй ё фабриками кейинчалик бузиб юборишмасмикан, ўрнига бошқа объект қурилмасмикан? Айнан мазкур фармон фуқароларимизнинг хусусий мулкка бўлган ҳуқуқини кафолатлайди. Эндиликда сиз қонун доирасида сотиб олган мулкнингизга истаганингизча эгалик қилишингиз, лозим

юзасидан билдирган фикрлари эълон қилинган эди. Унинг қуйидаги фикрини айнан келтирамыз:

— Агарда мулкдорлик ҳуқуқи ҳимояланмаган бўлса, иқтисодийтимизга инвестиция киритишни истайдиганлар кўп бўладими? Тўғри: жудаю кам бўлади! Шу боис (ва бошқа сабаблар билан) бизда инвесторлар жуда кам. Натижа эса аниқ:


ҳар бир қаричи қиммат туради. Ва мана шу супер ҳашаматли ва замонавий иншоотлар орасида кичкинагина икки қаватли уй жойлашган. Жудаям кичкина, хунук, шаҳар дизайнини бузувчи уй. Бадбашараликми? Эстетика нуқтаи назаридан жавоб берадиган бўлсак, ҳа. Иқтисодиёт нуқтаи назаридан эса улкан ютуқ: мулкдор ҳуқуқи ҳимояланганининг белгиси! Ва унинг эгаси осмонўпар иморат қуришни ҳам, ерини сотишни ҳам хоҳламайди. Хоҳламайди, тамом-вассалом. Ва ҳеч ким унга қарши ҳеч нима қила олмайди!

Мазкур фармонда ипотека бозорини ривожлантириш, ипотекани кредитлашнинг янги шакллари ишлаб чиқиш ҳақида ҳам тўхталинган. Яъни «... ипотекани кредитлашнинг янги шакллари ишлаб чиқиш ва жорий этиш, ўрта ва узоқ муддатли ипотека облигацияларини чиқариш ҳамда уларни институционал инвесторлар орасида жойлаштириш орқали ипотека бозорини ривожлантириш, шунингдек, миллий ипотека бозорини ривожлантириш мақсадида халқаро молия институтлари маблағларини жалб қилиш» белгиланиши кўрсатилган. Бунга мувофиқ, бериладиган ипотека кредитлари оддий фуқароларга ҳам, тадбиркорларга ҳам бирдек фойда келтиради. Чунки ҳар иккиси ҳам келажаги учун инвестиция киритиш имконига эга бўлади. Хусусий мулки бўлган фуқарога ипотека кредити бериш афзал, албатта. Гаров мавжуд бўлиши банкларга кредит қайтарилмаслиги хавфини пасайтиради. Бу имконият фойз ставкаларини пасайтириш ҳам деганидир.

Илгари аксарият ҳолларда ер олди-сотдиси яширинча ва баъзан ноқонуний амалга оширилар эди. Энди эса буларнинг барчаси қонун асосида очиқ ва шаффоф тарзда юз беради. Бинобарин, ушбу фармон хуфёна иқтисодиётдан чекиниш ва коррупцияга қарши курашда муҳим қадамдир.

Давронбек ОРИПОВ,  
«Ishonch» мухбири

## Мамлакатимиз учун урбанизация қанчалик муҳим?



топсангиз, инвестиция киритишингиз мумкин.

Сал олдинроқ kun.uz сайтида Иқтисодий ривожланишга қўмаклашув маркази раҳбари Юлий Юсуповнинг ушбу мавзу

рақобатбардош ишлаб чиқариш кам, иш ўринлари кам, маошлар паст.

Дунда энг қиммат ер Токиодаги кўчалардан бирида жойлашган. Табиийки, кўча осмонўпар бинолар билан тўла: ернинг

### Янги лойиҳа

## ЭЛЕКТРОН КАДАСТР ХИЗМАТЛАРИ

Фуқаролар учун ҳам, мутахассислар учун ҳам қулайлик яратади

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Жаҳон банки иштирокида «Кўчмас мулкни рўйхатдан ўтказиш ва кадастр тизимларини модернизациялаш» лойиҳасини амалга оширмоқда.

Лойиҳа ҳақида янада аниқ маълумотлар олиш мақсадида «Давергеодезкадастр» давлат қўмитаси мутахассиси Бекзод НИШОНОВ билан суҳбатлашдик.

— Биринчи мақсад шуки, — дейди суҳбатдошимиз, — бугунги кунгача қоғозда юритиладиган тизимни рақамли кўринишга олиб келиш. Бу бизга нима беради? Биринчи навбатда, фуқароларга кадастр хизматларини кўрсатиш муддатлари қисқаради. Кейинчалик ушбу соддалаштирилиш жараёнлари давлат хизматлари нарҳининг тушишига ҳам олиб келиши мумкин. Иккинчи томондан давлат хизматларини кўрсатаётган соҳа мутахассислари учун қулайлик яратилади.

Кадастр ва рўйхатдан ўтказишнинг мавжуд «қоғоз» тизимини модернизациялаш жараёнида унинг ахборот тизими электрон ҳукуматнинг тарихий қисми сифатида геоахборот ва web технологияларидан фойдаланилган ҳолда яратилади.

Лойиҳа амалга оширилишида кадастр ҳужжатлари, кўчмас мулкларга бўлган ҳуқуқлар давлат реестрлари, картографик материаллар рақамлаштирилади. Кадастр тизимидаги давлат хизматлари кўрсатиш, жумладан, кадастр сўёмкалари, инвентаризациядан ўтказиш, кадастр йўзма жилдларини тайёрлаш, кўчмас мулкларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ер ресурсларини бошқариш, шунингдек, барча ваколатли ташкилот ва идораларнинг ахборот таъминоти жараёнлари компьютерлаштирилади. Қўмитанинг «Маълумотларни қайта ишлаш маркази» ҳамда 14 та ҳудудий кадастр давлат корхоналари ахборот

tizimini жорий қилиш учун замонавий алоқа, компьютер ускуналари, дастурий таъминотлар ва рақамлаштириш учун самарадорлиги юқори бўлган сканерлар билан жиҳозланади. Бугунги кунда ахборот тизими киритиладиган маълумотларни рақамлаштириш бўйича методик қўлланма, йўриқ-номалар ишлаб чиқилди. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида синов тартибиде рақамлаштириш ишлари бажарилмоқда. Ахборот тизимининг техник хусусиятларини ишлаб чиқиш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш ва мутахассисларнинг малакасини ошириш бўйича замонавий услубларда ўқув курслари ташкил этилмоқда.

Лойиҳани амалга ошириш давомида интерактив хизматлардан фойдаланиш ёрдамида ҳамда хизматлар турини кенгайтириш орқали кадастр ва рўйхатдан ўтказишда жаҳон стандартлари жорий қилиниб, давлат хизматлари сифати оширилади. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш жараёни фуқаролар ва соҳа мутахассислари учун ҳам соддалаштирилади. Бу билан «Бизнесни юритиш» халқаро рейтингининг «Кўчмас мулкни рўйхатдан ўтказиш» қисми бўйича Ўзбекистон кўрсаткичларининг ошишига, натижада хориж инвестицияларининг жалб қилинишига кенг йўл очилади.

Озода БЕКМУРОДОВА  
суҳбатлашди

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг парламентга тақдим қилган Мурожаатномаси мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида ўзига хос муҳим воқеаликдир. Унда ўтган йилда амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниши билан бирга йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг устувор йўналишлари белгилан берилди. Хусусан, унда иқтисодиётдаги кўрсаткичларни янада ошириш масаласига эътибор қаратилади экан, бунга фақат инвестицияларни фаол жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳисобидан эришимизга алоҳида эътибор берилган.

## Тараққиёт дастуриламали



Президентимиз иқтисодиёт соҳасида олдинда турган вазифаларни амалга оширишда соғлом рақобат, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий секторни жадал ривожлантириш орқали янги иш ўринларини кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш, «яширин» иқтисодиётга қарши курашиш, унинг ҳажмини кескин қисқартириш, валютани эркинлаштириш сиёсатини изчил давом эттириш, барқарор монетар сиёсатни амалга ошириш, маънавий кадрларни тайёрлаш каби масалаларга энг муҳим жиҳат сифатида қаралиши лозимлигини таъкидлади. Ҳеч бир иш ўз-ўзидан бўлмаганидек, албатта, бу вазифалар ҳам аниқ ва изчил чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этишни

талаб қилади. Шу ўринда айтиш керакки, бу борада ўтган бир йил ичида муайян тажриба тўпланди ва ижобий самарага эришилди. Масалан, валютани эркинлаштириш ва содда қилиб айтганда, «қора бозор»ни йўқ қилиш бўйича қилинган ишлар бугун ўз натижасини бераётганини барчамиз кўриб-билиб турибмиз. Демак, айтиш ҳолат давлат раҳбарини қониқтирмаётган экан, олдинда шу йўналиш мисолида гапирадиган бўлсак, олдинда ҳали қилинадиган ишлар жуда кўп. Аслини олганда ҳам бугунги шиддатли давр барчамиздан тинимсиз изланишни, фидойилик билан яшашни тақозо қилмоқда.

Президентимиз Мурожаатномада кенг қамровли иқтисодий ислохотлар негизда аввало, макроиқтисодий барқарорлиқни ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъмин-

лашимиз шартлигини айтган экан, инфляцияни жиловлашдан туриб, макроиқтисодий барқарорликка эришиш мумкин эмас, деган жуда муҳим ва ҳаққоний фикрни билдирди. Бунинг учун эса жаҳон тажрибасини пухта ўрганиб, халқаро экспертларни жалб этган ҳолда, монетар сиёсатни такомиллаштириш ва нарх-наво барқарорлигини таъминлаш концепциясини ишлаб чиқишимиз зарур.

Мурожаатномада айтилган иқтисодиёт соҳаси билан боғлиқ янгиликлардан бири шуки, республикамизда 2020 йил 1 январдан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Халқаро валюта фондининг Миллий ҳисоблар тизими тўлиқ жорий этилади.

Ҳеч кимга сир эмаски, иқтисодиётнинг барқарор ўсиши, биринчи навбатда, етакчи соҳалар ривожини билан чамбарчас боғлиқ. Ўз навбатида, қайси соҳада юқори қийматга эга маҳсулот яратилса, ана шу соҳанинг биринчи навбатда қўллаб-қувватланиши ҳам бор гап. Эндиликда шундан келиб чиқиб иқтисодиёт ривожига жиддий туртки берадиган соҳаларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тақдирини берилмоқда.

Яна бир муҳим янгиликлардан бири «Рақамли Ўзбекистон – 2030» дастурини ҳаётга татбиқ этиш билан боғлиқ бўлиб, мутахассисларнинг таъкидлашича, рақамли иқтисодиёт ялли ички маҳсулотни камида 30 фоизга ўстириш имконини беради. Коррупцияни камайтириш ҳам бу жараёндаги энг муҳим жиҳат саналади. Ушбу дастурни мувофақиятли амалга ошириш учун иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгилашни назарда тутадиган Рақамли иқтисодиёт миллий концепциясини ишлаб чиқишимиз керак бўлади. Мурожаатномада бу борада ҳам вазифалар белгиланди.

Мухтасар айтганда, давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси жорий йилда мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришда муҳим ўрин тутди.

Ҳамдам НАРЗИЕВ,  
Тошкент вилояти иқтисодий суди судьяси

### Муносабат



«Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони қабул қилинди.

uza.uz

Давлатимиз раҳбарининг «Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

uza.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти «Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

kun.uz

Ўзбекистоннинг доимий аҳолиси сони 2019 йил 1 январь ҳолатига 33254,1 минг нафар бўлиб, 2018 йилда 597,4 минг нафарга кўпайган ёки 1,8 фоизга ўсган.

Давлат статистика қўмитаси матбуот хизмати

Полковник Дониёр Қодиров Ички ишлар вазирлиги Транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинланди.

ИИВ матбуот хизмати

Азимжон Юсупов Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбарининг маънавий-маърифий тарғибот ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўйича ўринбосари этиб тайинланди.

uza.uz

Шу йилнинг 1 февралдан бошлаб Тошкентда чиқиндиларни олиб кетиш ойлик тўлови киши бошига 3900 сўмдан 4500 сўмга оширилди.

«Махсустрас» Давлат ишлаб чиқариш бошқармаси матбуот хизмати

Чемпион спортчилар эндиликда имтиҳонсиз тренерлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги матбуот хизмати

Олий Мажлис палаталарида коррупцияга қарши курашиш қўмиталари ташкил қилинади. «Ҳуқуқий ахборот» канали

«Ўзбекгидроэнерго» АЖ устав капиталдаги давлат улуши «Рақамли ишонч» иқтисодиётни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасига ўтказилади.

gazeta.uz

«Ўзстандарт» агентлиги сертификатлаштирилмаган товарларни олиб келиш мумкин бўлган давлатлар рўйхатини эълон қилди.

norma.uz

«Ўзэлтехсаноат» акциядорлик компанияси негизда Ўзбекистон электротехника саноати корхоналари уюшмаси ташкил қилинди.

uza.uz

Олий юридик таълим муассасаларида сиртқи бўлимлар очилади.

«Ҳуқуқий ахборот» канали

Россиянинг Владимир шаҳрида Ўзбекистон маҳсулотлари учун логистика маркази ишга тушади.

daryo.uz

Қозоғистоннинг Петропавловск шаҳрида ўтказилган спорт акробатикаси бўйича халқаро турнирда вакилларимиз 2 та олтин ва 1 та кумуш медални қўлга киритди.

Миллий олимпия қўмитаси матбуот хизмати

Ўзбекистон олий таълим муассасалари талабалар қабул квотасини мустақил белгилаш имкониятига эга бўлди. Бунга қадар мазкур квота давлат қабул комиссияси томонидан белгиланар эди.

gazeta.uz

Ўзбекистонда янги умуммиллий ҳаракат ташкил этилди ва унга Акмал Бурхонов раис этиб сайланди.

xabar.uz

Шу йилнинг 20 январь кун Тошкент шаҳридаги Инха университетиди қизлар ўртасида «Technovation Uzbekistan – 2019» танлови бўлиб ўтади.

daryo.uz

«Олий таълим тизимини модернизация қилиш» дастури доирасида Гулистон давлат университетида Жаҳон банкининг лойиҳаси ўз фаолиятини бошлади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги матбуот хизмати

Электр энергетика тизими маълумотларини қайта ишлаш республика ягона маркази ташкил этилади.

«Ўзбекэнерго» АЖ матбуот хизмати



Самарқанд  
вилояти

Самарқанд вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 2018 йил якунлари таҳлил этилиб, 2019 йилдаги устувор вазифалар белгилаб олинди.

Кенгаш раиси С.Рафиқов бир йиллик фаолиятни таҳлил этаркан, меҳнат ҳуқуқи устуворлигини таъминлаш борасидаги ислохотлар, мажбурий меҳнатни бартараф этиш юзасидан қўрилган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратди. Эътироф этилганидек, мамлакатимизда меҳнат, меҳнат ҳуқуқи, муносиб меҳнат шароитлари яратилиши борасида таъсирчан механизм тақомиллаштирилди. Жамоат ташкилоти ушбу йўналишдаги қонунлар ижросини таъминлаш, соҳада кўзга ташланган камчиликларни бартараф этишда халқаро

амалиётда қўлланилаётган услублардан фойдаланди.  
Фуқаролар мурожаатлари билан

## Фаолият таҳлили

ишлашда ҳам сезиларли юксалишлар кўзга ташланмоқда. Таъкидландики, вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмасига йил давомида келиб тушган 290 дан ортиқ мурожаатларнинг барчаси тегишлилиги бўйича ҳал этилган.

Тармоқлар кесимида фуқароларни қабул қилиш, уларнинг муаммоларини ҳал этиш юзасидан амалга оширилган ишларга ҳам ҳолисона баҳо берилди.

Касба уюшма аъзолари сонининг янада ўсишига эришиш, хусусий сектор корхоналари билан муносабатда мутаносиблик борасида баъзи тармоқларда

ҳали оқсашлар борлиги эътироф этилиб, ўтган даврда қуйи ташкилотлар сафига қўшилган 776 та бошланғич фаолиятини самарали ташкил этиш, аъзоликка қабул қилинган 14 237 нафар ишчи-ходимга муносиб шароит яратилиши юзасидан

## Раёсат

ҳам аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Қайд этилдики, жамоа шартномалари қамровини, унда белгиланган имтиёз ва кафолатларни ижтимоий шериклик асосида янада кенгайтириб бориш лозим. Меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, ҳар бир меҳнат жамоасида, оилада жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигига эришиш муҳим аҳамият касб этади.

Мажлисида 2019 йил фаолият йўналишида ишларни тизимли ташкил этишининг устувор йўналишлари белгилаб олинди.

Раёсат йиғилишида қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, келгуси режалар тасдиқланди.

Нурилла ШАМСИЕВ,  
«Ishonch» мухбири

Қашқадарё  
вилояти

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари ҳамда Агротехнопарк мажмуи ходимлари касба уюшмаси Чироқчи тумани кенгаши, «Нуроний» жамғармаси туман бўлими ташаббуси билан бир гуруҳ байналмилал жангчи-фахрийларнинг Қарши шаҳридаги «Ватанпарварлар боғи»га саёҳати ташкил қилинди.


Ҳам саёҳат,  
ҳам савоб

— Бу ердаги муҳит, қудратли ҳарбий техникалар, тарихни эсга солувчи лавҳалар, қолаверса, бетакдор ва ўзига хос услубда яратилган Ўзбекистон харитаси бизни лол қолдирди, — деди Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Чироқчи тумани кенгаши раиси Эшпўлат Ёдгоров. — Харитага қараб, Самарқанддаги Регистон, Сурхондарёдаги Ал-Фарғоний, Шаҳрисабздаги Оқсарой мажмуалари, қўйинги, ҳар бир вилоятнинг кўркам жамоли кўз ўнгимизда намоён бўлди. «Ватанпарварлар боғи»нинг ёшлар тарбияси, уларнинг маънавиятини юксалтиришда ўрни беқиёсдир. Биз келгусида ушбу боққа фарзандларимиз, невараларимиз билан келишни дилимизга тугиб қўйдик.

Шу куни касба уюшма фаоллари ва байналмилал жангчи-фахрийлар Қарши шаҳридаги «Мурувват» ногирон болалар интернат уйи тарбияланувчиларига ўз совғаларини ҳадя этишди.

Камол ўРЛОВ

Тошкент политехника музейи ҳамда Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши ҳамкорлигида тўртинчи маротаба Ёш ихтирочилар кунига бағишланган анъанавий кўрик-танлов ўтказилди.



Танловда техник университетлар талабалари ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари бўлган 70 нафардан ортиқ ёш ихтирочилар 100 дан ортиқ экспонатлар билан қатнашди. «Ўзметмаш-саноат» касба уюшмаси Республика кенгаши раиси Аҳмаджон Ҳаққулов бошчилигидаги ҳакамлар ҳайъати ҳар бир экспонат билан танишиб чиқди.

Мактаб ёшидаги болалар орасида 3-ўринга Георгий Шацкий, 2-ўринга Аслан Адхамов, 1-ўринга Ҳасанали Уматалиев лойиқ деб топилди. Олий ўқув юрти талабалари орасида эса 3-ўринни Нодиржон Қобилов, 2-ўринни Камолддин Жамолдидинов ва 1-ўринни Мансур Ҳуснидидинов эгаллади.

Ҳакамлар диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Аъзам АБУЛҲАЙДОВ,  
«Ishonch» мухбири

Юртимизда касба уюшма соҳасида таълим берадиган олий таълим муассасаси йўқ. Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Шоикром Исроилов билан суҳбат асноси унинг бир гапи эътиборимни тортди: «Мен касба уюшмалари университетининг 30-курсида ўқияпман. Чунки касба уюшмаси иши жуда кенг қамровли ва уни ўрганишдан тўхтаганим йўқ».

Дарҳақиқат, бу ҳаётининг, тўлиқ асосланган, кўп йиллик ҳушасалар силсиласида юзага келган фикр. Шоикром Исроилов меҳнат фаолиятини Тошкент асбобсозлик заводида бошлаб, дастгоҳ автоматчиси бўлиб ўн йилдан ошқ ишлади. Меҳнатсеварлиги, жамоат ишларида фаоллиги, энг муҳими, жамоадошларидан қўлидан келган ёрдамни аямаслиги сабаб уни ҳамкасблари дастлаб касба уюшма гуруҳига, сўнгра цех кўмитасига етакчи этиб сайлашди.

— Тошкент асбобсозлик заводи ўша пайтда пойтахтдаги йирик корхоналар сирасига кирарди, — дея хотирлайди Шоикром ака. — Заводда 2000 нафарга яқин киши ишлар, касба уюшма кўмитаси уларнинг ҳуқуқ ва манфаати йўлида иш берувчи билан баҳс ва тортишувларга ҳам борарди.

Гуруҳларда 60-70 нафардан ходим ишларди. Ҳар бир ходимнинг ижтимоий аҳволидан хабардор бўлиш, оғирини енгил қилиш масъулияти елкада эди.

Ўз навбатида, цех касба уюшма кўмитаси ҳақида тўхталсам, бунда «цехком» жамоатчилиги асосида 250-300 нафар ишчининг «дарди билан яшарди». Оддий ишчи бўлганим учун ҳамкасбларим тақлиф ва мулоҳазаларини эмин-эркин айтишарди.

1989 йилда корхона касба уюшма кўмитаси раислигига сайлашди. Масъулият ўн чандон ошди. Буни қарангки, биргина жамоа шартномасининг муҳокамаси икки-уч кунга чўзилиб кетарди. Ҳар битта банднинг бажарилиши устида соатлаб баҳс борарди. Локал ҳужжатга янгидан қўшимчалар қўшмоқчи бўлсак, бу ҳам узоқ музокаралардан сўнг амалга ошарди...

Завод қошидаги иккита мактаб-



## Ўттизинчи курс талабаси

гача таълим муассасаси, ошхона, клуб ишлари бевосита касба уюшма кўмитаси ҳамкорлигида бажарилар эди. Ҳар ҳафта ошхонада тайёрланадиган таомлар «меню»си ишлаб чиқилар, овқатларнинг сифати, калорияли бўлиши қатъий назоратга олинган. Бундан ташқари, цехлар-аро спорт мусобақалари уюштириш, ғолиб ва совриндорларни муносиб тақдирлаш, байрам тадбирларини уюшқоқлик билан ўтказиш каби ишлар ҳам касба уюшма кўмитасининг зиммасида эди.

1993 йилгача ана шундай ҳаёт қозонида қайнаган, таъбир жоиз бўлса, ҳақиқий етакчи бўлиб «пишган» Шоикром Исроиловга янада масъулиятлироқ ишга ишонч билдирилди. Яъни, тўртта тармоқ — оғир саноат ходимлари, радиотехника ва радиотехника, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, станоксозлик ва приборсозлик тармоқлари бирлаштирилиб, машинасозлик саноати Тошкент шаҳар кўмитаси ташкил этилди ва у раисликка сайланди.

1998 йилда кўлам яна кенгайди. Металлургия тармоғи қўшилиб,

Ш.Исроилов энди металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касба уюшмасининг Тошкент шаҳар касба уюшма кўмиталари раислар кенгаши раиси сифатида фаолият кўрсата бошлади. У кабинетда ўтиришни хуш кўрмас, тез-тез бошланғич ташкилотларда бўлиб, касба уюшмаси иши билан яқиндан танишар, ҳатто, энг кичик ташкилотлардаги ишлардан ҳам бохабар бўлиб борарди. Бир ойда икки марта аъзо ташкилотларнинг етакчиларини йиғиб, янгиликлар, ўзгаришлар ҳақида ўзаро фикр алмашар, фаолиятлар таҳлили натижасида «Ўстоз-шогирд» анъаналарини давом эттириларди.

Шу ўринда айтиш жоизки, бутунги кунда биргина Тошкент шаҳрининг

фоти — «Эҳтиром нишони» берилди.

— Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши Евроосиё мамлакатлари металл ишчилари касба уюшмаси Марказий кўмитаси аъзоси ҳисобланади, — деди Шоикром Исроилов биз билан суҳбатда. — Бу ташкилотга 32 та давлат аъзо бўлиб, муҳими, улар орасида ўз ўрнимиз бор. Республика кенгаши раиси Аҳмаджон Ҳаққулов Марказий кенгаш мен эса ижроия кўмита аъзосимиз. 2016 — 2018 йилларда тармоқ ходимларидан тўртта гуруҳ (ҳар бири 25 кишидан) хорижда тажриба алмашиб келди. Жорий йилнинг май ойида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши билан келишилган ҳолда Евро-

«Ўзгиротехноатхотдин» АЖ, «Ўзстандарт» агентлиги, «Ўзэлтехсаноат» АЖ, «Ўзавтосаноат» АЖ ҳамда Республика кенгаши ўртасида 2017 — 2020 йилларга мўлжалланган тармоқ келишуви имзоланган бўлиб, уларнинг бажарилишини таъминлаш ва назорат қилишда кўп йиллар давомида орттирилган тажриба кўл келяпти.

Дарвоқе, Ш.Исроилов ўзи яшайдиган Юнусобод туманидаги «Иқбол» маҳалла фуқаролар йиғинида жамоатчилик асосида раис ўринбосари ҳамдир. Ёшлар билан ишлаш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий масалаларини ўрганиш, кези келганда кўмаклашиш, оилалар мустаҳкамлигига ҳисса қўиш (ажримларнинг олдини олиш) каби хайрли тадбирларга доимо бошқош бўлиб келмоқда.

Оилада ўғил-қизларига берган тўғри тарбияси беиз кетмаган. Тўрт нафар фарзандининг барчаси олий маълумотли. Дурдонахон «Али макс сервис» МЧЖ таъсисчиси, Зиёла-хон «Ўзқабел» АЖ кўшма корхонаси бўлим мудури, Шоҳидин «Пласт Ко» кўшма корхонасида, Шаҳобиддин эса «Грин мидл Азия» масъулияти чекланган жамиятида бош менежер сифатида ишлаб келмоқда.

Шоикром аканинги армони йўқ. Чунки ҳаётининг ҳар они, ҳар дақиқаси яхшиликка, эзгуликка, ҳалол меҳнатга йўғрилган. Бундай инсонларнинг йўллари эса доимо очик бўлади...

Акмал АБДИЕВ,  
«Ishonch» мухбири

«Ishonch»  
кўзгусидаСурхондарё  
вилояти

## Тиббиёт маркази иш бошлади

Термиз шаҳрида вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 335 ўринга мўлжалланган янги ва реконструкция қилинган бинолари фойдаланишга топширилди. Очилиш маросимида Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳамда вилоят касба

уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси вакиллари иштирок этди.

Эндиликда замонавий тиббий ускуналар билан таъминланган урология, қизлар саломатлиги, гастроэнтерология ва неврология бўлимлари ҳам ўз фаолиятини бошлади.

## «Боғи эрам»да «SMART KIDS»

Денов туманидаги «Боғи эрам» маҳалласи ҳудудда тадбиркор Абдусамид Норбоев ташаббуси билан «SMART KIDS» мактабгача таълим муассасаси қисқа вақтда куриб битказилди. Очилиш маросимида Денов тумани ҳокимлиги, масъул ташкилотлар вакиллари ҳамда маҳалла аҳли

иштирок этди.

Давлат хусусий шерикчилиги асосидаги ушбу нодавлат мактабгача таълим муассасаси 150 ўринга мўлжалланган бўлиб, ҳар бир хона дарсликлар, ўқув қуроллари, ўйинчоқлар, компьютерлар ҳамда бошқа зарурий жиҳозлар билан таъминланган.

Маърифат ва маънавият  
маскани

Кумкўрғон тумани марказида «Шоҳ Машраб» жоме масжидининг янги биноси очилди. Замонавий услублар

ва миллий меъморчилигини ўзига уйғунлаштирган бино бир вақтнинг ўзида 2600 нафар кишини сиғдира олади.

## Ҳоким стипендияси

Денов тумани ҳокими Бахтиёр Ибодов республикамизнинг турли олий ўқув юрларида тахсил олаётган иқтидорли ҳамда жамоат ишларида фаол бўлган деновлик бир гуруҳ талабалар учун «Ҳоким

стипендияси»ни жорий этди.

Бу ҳақида Ёшлар иттифоқининг Денов тумани кенгаши раиси Муҳриддин Нормуродов «Ёшлар келажагимиз» давлат дастури моҳиятига бағишланган учрашувда талабаларга маълум қилган.

## Маҳалла маркази янги бинода

Денов туманида «Маҳалла маркази»нинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда туман ҳокимлиги ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

— Ушбу марказнинг иш бошлаши маҳаллаларнинг ижтимоий ҳаётдаги ролини янада ошириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Сурхондарё вилояти

бўлими бошқаруви раиси Рўзибой Авазов. — Шу маънода маҳалла марказлари халқнинг чинакам маслаҳатдоши ва кўмакчиси айланishi зарур.

«Фарғона» маданият ва аҳоли дам олиш маскани санъаткорлари ижросидаги куй-қўшиқлар тадбир қатнашчиларини хушнуд қилди.

Рустам ДАВЛАТОВ,  
«Ishonch» мухбири

## Касба уюшма фидойилари





## Тараққиётга инновацион ёндашув

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 3 январдаги «Жиззах вилоятини комплекс ривожлантиришни давлат томонидан тартибга солиш ва бошқаришнинг самарали моделини ишлаб чиқиш тўғрисида»ги фармони жиизахликлар катта қизиқиш билан ўрганмоқда

### ИЛҒОР ХУДУДГА АЙЛАНАЖАК

**Олим САТТОРОВ,**  
Жиззах вилояти ҳокимлиги  
иқтисодиёт ва ҳудудларни  
комплекс ривожлантириш бош  
бошқармаси  
бўлим бошлиғи:

– Таъкидлаш жоизки, мазкур фармон ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш учун кўрсатилаётган доимий эътиборнинг яна бир ёрқин амалий ифодасидир.

Фармонда жорий йилнинг 1 мартдан бошлаб «Илғор ҳудуд» синов лойиҳаси доирасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, тартибга солиш ва бошқариш соҳасини таҳлил қилиш ва баҳолаш, ҳудудни жадал ривожлантириш учун илғор усулларни аниқлаш белгиланган. Қолаверса, республика ва ҳудудий ижро ҳокимияти органларининг жавобгарлик соҳасини аниқлаштириш, ҳудуднинг стратегик мақсадлари, шунингдек, ҳудудий давлат бошқаруви органлари учун мақсадли кўрсаткичларни шакллантириш механизмларини ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Бошқарув тизимидаги ушбу янги усулнинг қўлланиши ҳудуд аҳолисининг яшаш шароитларини яхшилаш ва даромад-

ларини ошириш, таркибий ислохотлар ёрдамида инвестициявий муҳитни яхшилаш, талаб юқори бўлган товарларни ишлаб чиқариш, иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш ва саноатнинг янги тармоқларини ривожлантириш, ишлаб чиқариладиган маҳсулот ва хизматларнинг рақобатбардорлигини ошириш учун шарт-шароитлар яратилишига олиб келади.

Ўтган йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиш натижасида Жиззах вилоятида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 7 триллион 138 миллиард сўм, ўсиш суръатлари ўтган йилга нисбатан 105 фоизга тенг бўлди. Йиллик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 102,1 фоиз, қурилиш ишлари ҳажми 104,4 фоиз, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари 102 фоиз, чакана савдо айланмаси 107,4 фоиз, хизматлар ҳажми эса 113,3 фоизга етди.

Бундан ташқари, вилоятда 43 та янги қўшма ва хорижий корхоналар рўйхатдан ўтказилди. Айни пайтда уларнинг сони 120 тага тенглашди.

Тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш натижасида 10 миллион 113 минг АҚШ долларлик саноат ва 34 миллион 504 минг АҚШ долларлик мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинди. Бу 2017 йилга нисбатан

127 фоизга кўп демакдир. Эришилган бу натижалар Президентимизнинг «Жиззах вилоятини комплекс ривожлантиришни давлат томонидан тартибга солиш ва бошқаришнинг самарали моделини ишлаб чиқиш тўғрисида»ги фармонида белгилаб берилган «Илғор ҳудуд» синов лойиҳасини амалга оширишга замин бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

### ҲАР БИР ҚИШЛОҚ ЎЗ БРЕНДИГА ЭГА БЎЛАДИ

**Анорбой ЭШМАТОВ,**  
Жиззах вилояти фермер,  
деҳқон ҳўжаликлари ва то-  
морқа ер эгалари кенгаши раи-  
си, Ўзбекистон Қаҳрамони:

– Фармонда «Бир қишлоқ – битта маҳсулот» тамойили бўйича талаб юқори бўлган то-варларни ишлаб чиқариш учун шарт-шароитларни жадаллик билан яратиш белгиланган. Аҳолининг 53 фоиздан кўпроғи қишлоқ ҳудудларида яшайдиган вилоятимиз учун бу жуда муҳим аҳамиятга эга. Ҳудудни ривожлантиришда ушбу тамойилнинг қўлланиши, шубҳасиз, қишлоқ аҳолисининг яшаш шароитларини янада яхшилаш ва даромадларини оширишига хизмат қилади.

Вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулот таркибига қишлоқ ҳўжалигининг улуши йил-

дан-йилга ортиб бормоқда. Жумладан, якунланган йилда соҳада кластер усулининг жорий этилиши ўзининг дастлабки натижаларини берди. Жиззах шаҳридаги «Silk expert processing» ҳамда «Зомин асл ипак толаси» корхоналарида йилига уч маротабадан ҳосил олиш йўлга қўйилди. Ушбу корхоналар тўлиқ қувват билан ишлай бошласа, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар хорижий давлатларга экспорт қилинади.

Ўтган йили вилоятдаги 12 мингдан ортиқ фермер ҳўжаликлари томонидан 541 минг тоннадан ортиқ полиз, 128 минг тонна мева, 114 минг тонна картошка етиштирилди. 34 миллион 504 минг АҚШ долларлик мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинди. Жорий йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш режалаштирилган.

«Илғор ҳудуд» синов лойиҳасини амалга ошириш доирасида халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молиявий ташкилотлари ва бошқа хорижий ташкилотлар билан ўзаро тўғридан-тўғри ҳамкорлик қилиш ваколати берилиши инвестициялар жалб этишни янада яхшилайдди. Шу маънода ушбу Фармон вилоятимиз тараққиёти ва истиқболи учун муҳим тарихий ҳужжатдир.

«Ishonch» мухбири  
Алижон АБДУРАҲМОНОВ  
ёзиб олди.

## Ishonch va Доверие



### Элчи минбари

Беларусь Республикаси Ўзбекистоннинг муҳим ҳамкорларидан биридир. Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Александр Лукашенконинг мунтазам учрашув ва мулоқотлари бу ҳамкорликни янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда. Хусусан, Беларусь етакчисининг 2018 йил сентябрь ойида мамлакатимизга расмий таширифи ўзаро муносабатлар тарихида янги саҳифа очди.

Мамлакатимизнинг Беларусь Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Носиржон ЮСУПОВ билан ЎЗА мухбирининг суҳбати ўзаро муносабатлардаги янги имкониятлар ва истиқболдаги режалар ҳақида бўлди.

Носиржон ЮСУПОВ,  
Ўзбекистоннинг Беларусь  
Республикасидаги Фавқулодда ва  
мухтор элчиси:



## БЕЛАРУСЬ БИЛАН ҲАМКОРЛИК МУНОСАБАТЛАРИДА ЯНГИ ДАВР

– Президентимизнинг Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни мустақамлашга қаратилган қатор ташаббуслари халқаро миқёсда эътироф этилди. Ўзбекистоннинг бу сазй-ҳаракатлари ҳақида Беларусь жамоатчилиги қандай фикрда?

– Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида сўнгги йилларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар Беларусь жамоатчилиги, сиёсий ва таҳлилий доираларида ҳам катта қизиқиш уйғотди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, қонуний устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик соҳаларидаги ташаббуслари, барча мамлакатлар билан олиб бораётган очиқ ташқи сиёсати Ўзбекистонга бўлган илгариги қарашларни тамомла ўзгартирди.

Беларусдаги сиёсий доира вакиллари билан ўзаро мулоқотларда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариши учун зарур шарт-шароит яратилаётгани кўп бора қайд этилади. Хусусан, мамлакатимиз ташқи ва ички сиёсатидаги туб ўзгаришлар нафақат Ўзбекистон, балки бутун минтақа ривожига хизмат қилаётгани эътироф этилади.

– Беларусдаги элчихонамиз фаолияти ҳақида сўзлаб берсангиз?

– Минск шаҳридаги элчихонамиз 2018 йил май ойидан тўлиқ фаолият юрита бошлади. Бунгача ўзаро муносабатларда турғунлик даври кечган десак, муболаға бўлмайди. Бу эса элчихона томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифатига бевосита таъсир кўрсатган.

Кейинги йилларда мамлакатларимиз ўртасида қарор топган яқин дўстлик ва ишонч руҳи ўзаро муносабатларда туб бурилиш ясади.

Ўртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар инвестициявий фаолиятни рағбатлантириш, экспортга йўналтирилган рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш имконини бермоқда. Бунинг самарасида янги иш ўринлари кўпайиб, халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратилмоқда.

Бу жараёнда Беларусь Республикаси билан ҳамкорлик ҳам ўзига хос ўрин тутади. Мамлакатларимиз ўртасида товар айирбошлаш ҳажми 2018 йилда сезиларли даражада ортди. Хусусан, Ўзбекистондан Беларусь экспорт қилинган товар ва хизматлар 2017 йилга нисбатан 1,5 баробар, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2,5 баробар кўпайди. Айни пайтда элчихонамиз тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишни кўзда тутадиган бир қатор лойиҳалар устида ҳам ишланмоқда.

Давлатимиз раҳбари яқинда Олий Мажлиса Мурожаатномасида мамлакатимизнинг хориждаги ваколатхоналари олдиға фаол ташқи инвестиция сиёсатини амалга ошириш, иқтисодий дипломатияни ривожлантириш, юртимиздаги янгилашлар жараёнига чет эллик ҳамкорларни кенг жалб қилиш вазифаларини қўйди. Элчихонамиз ҳам мазкур вазифаларни инobatга олган ҳолда, ўз олдиға

қатор йўналишдаги дастурларни амалга оширишни режалаштирган.

– Айнан қандай дастурларни назарда тутасиз? Бугун кенг жамоатчиликни қизиқтирган савол ҳам мана шу.

– Беларусь Республикасида ишлаб чиқарилган қишлоқ ҳўжалиги техникалари сифати ва иш самарадорлиги билан ажралиб туради. Мамлакатимизда бугунги кунда ҳам Беларусь қишлоқ ҳўжалик техникаларига талаб мавжуд. Мазкур эҳтиёжни инobatга олган ҳолда, Беларусь ҳудудида фаолият юритаётган йирик корхоналар билан ҳамкорликда Ўзбекистонда қишлоқ ҳўжалиги техникаларининг кенг турларини ишлаб чиқаришда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган. Бундан ташқари, саноат кооперацияси йўналишидаги шерикликни қорвачиллик, сут маҳсулотларини қайта ишлаш тармоқларида ҳам амалга оширилади.

Мамлакатимизда 2019 йил «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили», деб эълон қилинган юртимизда бошланган сармоявий ташаббусларнинг узоқ мақсадларга қаратилган стратегик ёндашув эканини тасдиқлади. Беларусдаги элчихонамиз мамлакатимизнинг фаол инвестиция сиёсатини тарғиб қилиш ва Ўзбекистонга капитал қўйилмасини мунтазам ошириб бориш мақсадида жорий йилда қатор вазифаларни белгилаб олди.

Беларусь Республикаси МДХ мамлакатлари ичида олий таълим муассасаларида таълим сифати юқорилиги билан ажралиб туради. Шу боис Беларусь олий таълим даргоҳларида хорижий талабалар кўпчиликини ташкил этади. Ҳозирги кунда ушбу мамлакатда Туркменистон, Тожикистон, Қозоғистондан ҳам ешлар бориб таҳсил олмоқда. Беларусда ўқиш истагида бўлган Туркия, Сурия, Ироқ ва фаластинлик ешлар сони ҳам ортиб бормоқда.

Элчихонамиз замонавий кадрлар тайёрлашда Беларусь Республикаси билан мунтазам ҳамкорликни йўлга қўйиш устида ишламоқда.

2018 йили Мамлакатимиз олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошчилигидаги делегация Беларусь Республикасида бўлди. Ўтказилган учрашув ва мулоқотлар самарасида мамлакатларимиз олий таълим вазирилари ўртасида ҳамкорликка оид қатор келишувлар имзоланди. Уларга мувофиқ, Ўзбекистон ешларининг ушбу мамлакатдаги етакчи олий таълим муассасаларида илм олишига қўмаклашиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Мамлакатимизда ижтимоий соҳани ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида қаралади. Маълумки, Беларусь тиббиётда ҳам илғор тажриба ва ютуқларга эришган мамлакат. Хусусан, имплантация, протезлаш, жарроҳлик, стоматология, онкологик касалликларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш, даволашдаги амалиёт халқаро миқёсда тан олинган. Шу боис элчихонамиз Беларусдаги етакчи илмий-тиббий муассасаларда ўзбекистонлик шифокорлар ма-лакасини ошириш бўйича музокаралар олиб борди. Ўйлаймизки, жорий йилда ҳам Беларусь Республикаси билан ҳамкорлик янги мазмун билан бойиб, ўзаро манфаатли кўплаб лойиҳалар рўёбга чиқарилади.

ЎЗА мухбири  
Улуғбек ШОНАЗАРОВ  
ёзиб олди.

### Акс-садо

## Ўзгартиришга ҳожат йўқ

«Ishonch» газетасининг 15 январь сонида «Фақирлик»дан «беклик»ка ўтиш фўрсати етма-димми?» сарлавҳали чиқишни ўқиб, кўнглимда бошқача мулоҳазалар туғилди. Баҳс яхши, лекин унда сўз юритган мутахассисларнинг барчаси нуқул бир хил фикр билдиришгани мени ажаблантирди.

Эмишки, «фўқаро» сўзининг ўзаги «фақир» бўлиб, баъзилар фақир сўзининг мазмунини янада гариблашган таъриф билан изоҳлашибди. Сўз ва унинг семантикаси билан шуғулланганлар яхши биладими, ҳар бир каломнинг этимология келиб чиқиши бўлади. «Фўқаро»нинг асл келиб чиқиши «фақир» сўзидан олинган бўлиши мумкин. Лекин орадан замонлар ўтиб, асл маъно унутилиб, янги мазмун касб этиши лингвистикада мавжуд жараёндир.

Тил ҳақидаги катта бир анжуманда элга танилган бир олим «ташхис» деган сўзни тилимиздан чиқариб ташлашни таклиф этди. Сабаб? «Ташхис» арабчадан ўтган сўз бўлиб, «шaxс» сўзидан олинган экан. Ҳолбуки, ҳозирги пайтда «ташхис» сўзи ўзбек тилида тиббиётдаги «диагност» маъносини англатади. Қолаверса, таълим тизимида «ташхис маркази» деган тушунча муомаламизга сингиб кетган. Шу ном билан аталувчи идоралар пешлавлалари, муҳрларидан жой олган.

Яна бир мисол: Туркияга бориб келган ҳамкасбимиз у ерда биз ҳар қадамда ишлатадиган «корхона» сўзи... «исловотхона» маъносини англатишини айтди. Бундан ажабландик, лекин ҳамон «корхона» сўзини ҳеч ким бекор қилгани йўқ.

Янги таклиф айтувчилар «фўқаро» сўзи ўрнига «бек» ва «бека» сўзларини тавсия этишибди. Назаримда, бу жудаям сунъий муқобил. «Фўқаролик» каломига Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг иккинчи бўлимида бир неча моддалар бағишланган. Ҳамма учун тенг, деб нисбат берилган фўқаролик сўзи ҳаётимизга сингиб кетган. Шу ўринда бир мисол: кейинги икки йил ичида давлатимиз раҳбарининг Фармониға биноан минг-минглаб юртдошларимизга «Ўзбекистон Республикаси фўқароси» унвони фўқаролик паспортида такдим этилди. Улар ажиб фəхр-ифтихор билан «мен Ўзбекистон фўқаросиман» деган ғурурли сўзни тилға олдилар. Ҳўш, уларни ҳам «фақир»лар сафига қўшамизми?! Таклифим: халқимиз онг-у тафакурида муҳрланиб қолган «фўқаро» сўзини ўзгартиришға ҳожат йўқ.

Шўҳрат ЖАББОРОВ,  
Ўзбекистон фўқароси

### Тожикистон вилояти

Мамлакатимизда фўқаролар ва объектлар хавфсизлигини таъминлаш, замонавий қўриқлаш ва хавфсизлик воситаларини татбиқ этиш, соҳаға энг илғор замонавий технологияларни жорий этиш мақсадида интеграллашган маълумотни узатувчи «Приток-А» қурилмаси хизмати жорий этилмоқда.

## Самарали қўриқлаш tizими – хотиржам ҳаёт гарови

Бунда «Приток А» қурилмаси қанчалик аҳамиятға эга?

Мазкур тизим қўриқланаётган объектлар ва ҳонадонлар муҳофазасини ягона тармоққа биравлаштириб, улардан тушаётган ахборотларни марказлаштирган ҳолда йнғиш, кузатиш ва тезкор чоралар кўриш, қўриқлашнинг ишончли даражасини ошириш, хизмат имкониятларини кенгайтиришға замин яратмоқда. Қурилма интернет тармоғи, рақамли, демилли телефон тармоқлари, GSM уяли алоқа каналлари ҳамда ультра-қисқа тўлқинли радио тармоқларида ишлайди.

Зангиота тумани ИИБ қўриқлаш бўлими томонидан ҳам бу борада бир қатор ишлар қилинмоқда. Хусусан, туманда жойлашган ташкилот, корхона, фермер ҳўжаликлари, умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасалари билан

Сарвар ТўРАБЕКОВ,  
Зангиота тумани ИИБ  
қўриқлаш бўлими бошлиғи,  
майор,  
Олим БОЗОРБЕКОВ,  
отряд командири  
ўринбосари, майор



### Янгилик

Низомий номдаги ТДПУ ректорати ва касаба уюшма қўмитаси университет ходими Раҳимжон Шоназаровға онаси

Ўғилдай ая ШОНАЗАРОВанинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.



# «Ҳомиладор» қўғирчоқлар

Фарзандларимиз тарбиясига таъсир қилмайдими?

Замоннинг зайлини қарангки, бугун бешиқда ётган икки ёшли бола телевизор кўриб, онасини тинчлантирмоқда, уч ёшли бола «сотка»ни қўлига олиб, отаси билмаган «операция»ларни бажариб, ҳаммани қойил қолдирапти. Бўлар-бўлмас маслаҳатлари билан бошингизни қотирадиган беш ёшли «онахон»лар-у «отaxon»лар пайдо бўлди. Улар учун эртакларнинг қизиғи йўқ. Боғча ёшидаги фарзандингиз пулни-пулга уриб, қандай қилиб уни янада кўпайтириш ҳақида сизга ақл ўргатади.

Бугуннинг болалари «Мен қандай пайдо бўлганман?» қабилидаги саволлар билан бошингизни қотирмайди. Чунки улар «Осмондан тушгансан», «Сени лайлак ташлаб кетган» қабилидаги жавобларингизга ҳеч қачон ишонмайди, ишонтиролмайсиз ҳам. Бу ҳақдаги «ҳақиқат»ларни аллақачон мультфильмлардан билиб олган, «сотка»ларда бир неча бор томоша қилган.

Болаларни кузатиб, ўзининг беғубор дамларимни эслайман-у, «Эҳ, бугуннинг болалари, бугуннинг ёшлари» деб хурсанд бўлишни ҳам, хафа бўлишни ҳам билмайман. Хурсанд бўлай десам, улар болагини унутяпти, ёшига нисбатан жуда тез улғайяпти, юзларида беғуборлик, самимият йўқолган, бад-

жahl, асабий, бугун, ҳатто, ўзингизнинг фарзандингизга ҳам маслаҳат бериш ёки қилган қилигидан норози бўлиб жиддий танбёҳ беришга кўрқасиз. Хурсанд бўлмай десам, етти ёшли болам мен билмаган нарсаларни билади, ақлий қобилияти менинг давримдаги тенкурларига нисбатан ўн, юз баробар юқори.

Кейинги пайтларда сийқаси чиқиб кетган бу мавзу ҳақида гапирмоқчи, ёзмоқчи эмас эдим. Аммо яқинда бир танишимнинг айтган гаплари тепа сочимни тикка қилди.

«Яқинда бозорга кетган ўғлим ва неварам ўзида йўқ хурсанд бўлиб кириб келишди, — дейди у. — Неварамнинг қўлида катта «Барби» кўғирчоғи. Мен ҳам хурсанд бўлиб, кўғир-

чоқни қўлимга олсам, жуда хунук, қорни қап-пайган. «Нега бунақа кўғирчоқ олдиларинг», дея ўғлимга қарасам, беш ёшли қиз неварам «Буви, бу ҳомиладор, ичиди боласи бор» деб кўғирчоқни шартта қўлимдан олди ва ечинтириб, қорнини очди, ичидан кичкина боласини чиқариб кўрсатди, шодланиб, камига «Кўрдингизми, сиз шуни ҳам билмайсиз!» деб танбёҳ ҳам бериб қўйди.

Неварамнинг бу хатти-ҳаракатига, гап-сўзига нима дейишни, нима қилишни билмай қолдим... Бир кўғирчоққа қарайман, бир неварамга, бир шундай ўйинчоқни раво кўрган ўғлимга. Ранг-рўйимдан ўғлим ҳам қанақа ҳолатга тушганимни ва нима демоқчи эканимни тушундим, «Бозорни бошига кўтарди, шу ўйинчоқни олиб берасан», деб қўймади, нима қилай» деди.

Болалик — пошшолик. Фарзандларимизнинг истагини ҳар қандай вазиятда бажаришга ҳаракат қиламиз. Аммо унинг хоҳиши таълим-тарбиясига, ҳулқага салбий таъсир қилиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўрмаймиз. Майли, қайсидир тадбиркор (бундай шахсларни тадбиркор деб ҳам бўлмайди)

олиб келиб, сотаётгандир шундай ўйинчоқларни. Уларнинг қизчалари аллақачон шундай «Барби»ни ўйнаб ҳам бўлгандир. Аммо уларнинг агар маънавиятдан, маърифатдан хабари бўлганда эди, бундай ўйинчоқларни чет элдан олиб келмаган, дўконининг болаларнинг кўзи энг кўп тушадиган жойига илмалган бўлар эди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, инсон мияси зарур маълумотларнинг 70 фоизини айнан 5 ёшга қадар олиб бўлар экан. Гарчи бу мuddат беташвиш, шўх болаликдан иборат бўлса-да, ўзининг эртанги кунини, келажигига бефарқ бўлмаган ота-оналарни юқорида айтиб ўтилган каби воқеалар сергаклантириши, ташвишга солиши лозим. Агар болангизнинг келажиги ҳақида ўйласангиз, ҳозирдан ҳаракатингизни бошланг. Бешиқда ётган болангизга эзгулик, яхшилиқни тарғиб этувчи эртаклар айтиб беринг, байрамларда, туғилган кунларида маънавиятга, маърифатга таъсир кўрсатувчи ўйинчоқлар, китоблар совға қилинг.

Равшан МАҲМУДОВ,  
ЎзМТДП фаоли



Мулоҳаза

## Ўзимиз тўқиган урфлар тўрлари

«Бошинг тўйдан чиқмасин...». Бу ибора қулогимизга тез-тез чалиниб туради. Хўб ажойиб элмизда! Уни яхшилиқ қилган ёки бирор оғиримизни енгиллатган кишига дуо-олқиш тақлид ишлатамиз. Бу дуони эшитган кишининг ҳам боши осмонда. Тўғрида, уйи тинч рўзғори бут бўлса, топган-тутганини тўйдан бошқа нимага ҳам сарфлайди?!

Дабдабали тўйда яна кимдир «Бизни ҳам шундай кунларга етказсин!» дея хаёл қилса, «Шу кунларга етсам бир тўй қилайки, довруғи оламга ёйилсин!» дейди иккинчи орзуманд.

Таажжуб... Орзу-ҳавас қозонига ўт қалаб, йиллар давомида пешона теримиз билан йил-б-теранимизни бир кунда ҳавога учуриш, тўйдан кейин ёр-биродарлардан олган қарзни узиш бўйинга не савдоларни солмайди... Шу дардда бегона юртларга пул топиш илинжида йўл олган қанча? Яна кимдир ҳали чилласи чиқмаган фарзанди тўй сарфини қоплаш учун ёр васлига тўймасдан хорижга жўнайди.

«Ундан-бундан кам бўлмай, мол кетса кетсин, обрў кетмасин» дея, «дейди-дейди»лар инсонни не кўйга солмайди...

Шу ўринда айтиш жоизки, бир-биридан гўзал урф-одатларимиз бор. Улар орасида чарқалоқ дунёга келиши билан боғлиқ алоҳида анъаналар мавжуд. Бу фарзанд туғилганда қариндош-уруғ, ёр-биродарлардан «суюнчи олиш», «киндик кесиш», «қулоққа азон айтиш», болани қўмилириш, илк бор кийим кийдириш, она учун махсус парҳез таомлар пишириш, чақалоққа исм қўйиш, кичик ва катта чиллани ўтказиш, болани бешикка солиш каби бир қатор махсус тадбирлардан ташкил топади. Минг йиллик бу анъаналарни ота-боболаримиз ортиқча дабда-

басиз ўтказишган. Бугунга келиб эса меъёрдан чиқиш, ортиқча исрофгарчилик қилиш кўпайиб кетган, яъни йилдан-йилга улар рангларга бўйлаб, одат йўсини ўзгараётгандек.

Водий-у воҳаларда шундай урф-одатлар мавжудки, бир-биридан айри, бир-биридан мустасно. Айниқса, қирқ кун ўтиб «чилла гўзар» маросимини жойига қўядиган Қашқадарёнинг китобликлари ўзгача нишонлайди. Айнан қирқинчи кун, оз ҳам эмас, кўп ҳам эмас, яқин атрофдаги кўни-қўшнисига жуфт бўғирсоқ орасига қанд-курс солиб, уни орзу-ҳавас билан тарқатишади. Янаки, кеч тушиб қўшиллардан «кўрди»сига тоғоралар кела бошлайди, манти дейсизми, палов, сомса, қовурдоқ, қатлама, барчасидан бор. Қани чақалоқнинг тиши ўтса экан бу таомларга? Унга аталгани тоғора ичидидаги кўрманасига кийим-кечаклар, холос. Ана энди кейинги кундан бошлаб «чақалоқ қақирди»лар кўпаяди. Аввало, келинчақнинг ота уйига қўни-қўшни, ёр-у биродарлар жамланиб боришади. Бундай борди-келдиларга ўрганмаган гўдак маросимлар сабаб кундан-кунга йилгоқи бўла бошлайди.

Водийда чақалоқ 21 ёки 31 кунлиги, хусусан, тоқ кунлари «ақиқа тўйи» қилинади. Бунда ўғил бўлса иккита қўй, қиз бўлса битта қўй аташиб сўйиб, элга ош берилади. Борга билинмайди, шароити йўққа эса... Қарз-ҳавола «мадад»га келади. Оқибати эса...

Чақалоқ туғилгандан кейинги 6-8 ҳафталик мuddат чилла даври ҳисобланади. Тиббиётда туғуруқдан сўнг аёл организмидасл ҳолига қайтишини энг камида 5-6 кун, туғиш оғир кечганда 70 кун керак бўлиши таъкидланади. Анъанага кўра, она ва чақалоқ 40 кунгача уйдан чиқмаслиги, шу мuddатда бу уйга бегона оёқ босилмаслиги ва чиллани уйда чироқ ўчмаслиги жоиз. Озодалик ва эҳтиёткорлик мuddати саналган бу вақтда она ўз соғлигини тиклайди, бола эса ёруғ дунёга мослашади. Замонавий тиббиёт ходимларининг таъкидлашича, «чилла даври»да касал бўлмаган чақалоқ соғлом бўлиб ўсади.

Урф-одатларимизни ота-боболаримиз каби оила даврасида ўтказсақ, ҳали ҳеч нарсани англаб етмаган мурғак гўдак учун фақат тинчлик муҳимлиги, исрофгарчилик ва ҳаддидан ошишларнинг бари шунчаки ортиқча орзу-ҳавас эканини англаб етсак, нур устига нур бўларди. Ана шунда оила бюджетига ҳам ортиқча зарар етмай, қарз ғалвалари ҳам бўлмасди...

Гуландом УМАРОВА



Эълон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 январдаги «Уй-жойлар қуришни ривожлантириш бўйича мақсадли Дастурларини самарали амалга ошириш тўғрисида»ги ПҚ-3480 сонли қарори ижроси юзасидан қишлоқ жойларда аҳолининг кенг қатламларини замонавий ва шинам уй-жой билан таъминлаш мақсадида:

«Қишлоқ қурилиш инвест» масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компанияси

Қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар

бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун пудрат

ташкilotларини танлаш юзасидан тендер савдоларини

эълон қилади

№ 2018-05

Тендер савдолари эълон қилинган сана: 2019 йил 19 январь  
Тендер таклифларини тақдим этиш учун охириги мuddат: эълон чоп этилган санадан 30 кундан сўнг

Қишлоқ жойларда қуриладиган янгиланган намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар типлари:

1-тип: Хўжалик иморатлари ва обод ҳовлилари бўлган икки, уч қаватли кўп квартиралар (2, 3 хонали) уйлар;

2-тип: Хўжалик иморатлари билан биргаликда майдони 0,02 га бўлган ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли 2, 3 хонали уйлар;

1. Тендер иштирокчилари қуйида санаб ўтилладиган ҳар бир тендер пакетлари учун

муҳрланган танлов таклифларини киритишлари мумкин.

2. «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИК («Буюртмачи») ҳуқуқий ваколатга эга бўлган тендер иштирокчиларини қуйида келтирилган шартномалар бўйича янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун («Қурилиш ишлари») муҳрланган танлов таклифларини киритишларини таклиф қилади.

3. Тендер иштирокчилари қўшимча маълумот олиш ва тендер ҳужжатлари билан

танишиш учун Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказларига қуйида кўрсатилган манзиллар бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Тошкент вилояти  
Манзил: Тошкент шаҳри,  
Навоий кўчаси, 18-уй  
Телефон: (0-371) 241-15-22  
Факс: (0-371) 241-15-32

4. Тендер ҳужжатлари нусхасини олиш учун тендер иштирокчилари қуйидаги тартибда юқорида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

«\_\_\_\_\_вилояти, \_\_\_\_\_тумани, \_\_\_\_\_массивидаги, \_\_\_\_\_лот \_\_\_\_\_та яқка тартибдаги уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун тендер ҳужжатларини беришингизни сурайман.» шаклида юқоридаги манзилларга ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилиш лозим.

Тендер ҳужжатларини эълон берилган кундан бошлаб барча иштирокчилар олишлари мумкин. Кейинчалик қайтариб берилмайдиган пул тўлови тен-

Тендер ҳужжатлари қуйидаги тартибда тақдим этилиши лозим:

– Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳудудий консалтинг марказларига;  
– Таклифларни тақдим этишнинг сўнгги мuddатига;  
– Шартномалар рўйхатида кўрсатиб ўтилган вақтгача;

– Тендер ҳужжатларида кўрсатилган тартибда декларация тақдим этиш.

Тендер таклифларининг очилиши таклифлар тақдим этишнинг охириги кунда тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган барча ташкilotлар иштирокида қуйида келтирилган манзилда ўтказилади:

Қўшимча маълумотлар учун «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИКнинг ҳудудий филиалларига мурожаат қилишлари мумкин. Тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган ташкilotлар, қурилиш ташкilotлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:

| Уй типлари                                               | Бир донга уй (хонадон) учун талаб этилади:          |                                                            |                                                       |                                           |                                                  |
|----------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------|------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------|-------------------------------------------|--------------------------------------------------|
|                                                          | Талаб этиладиган йиллик ўртача айланма маблағ (сўм) | Қурилиш малакаси ўхшаш ҳажм ва ҳарактерлаги шартнома (сўм) | Сўнгги бир йил давомида бажарилган ер ишлари ҳажми м² | Сўнгги 3 йилда бажарилган бетон ишлари м³ | Сўнгги 3 йилда қуриб битирилган уйлар майдони м² |
| Кўп қаватли 2, 3 хонали уйлар                            | 120 000 000                                         | 95 000 000                                                 | 15                                                    | 25                                        | 40                                               |
| Бир қаватли 2, 3 хонали (0,02 га.) уйлар                 | 130 000 000                                         | 100 000 000                                                | 20                                                    | 40                                        | 60                                               |
| Икки қаватли 4 хонали қўшиб қуриладиган уйлар (0,04 га.) | 220 000 000                                         | 180 000 000                                                | 30                                                    | 50                                        | 80                                               |

Шартнома (лот)лар рўйхати

| Лот№    | Худудлар | Массив | Уйлар (хонадон) сонини | Кўп қаватли 2-3 хонали уйлар |         | 1 қаватли 3 хонали уйлар (0,02 га.) |        | 2 қаватли 4 хонали уйлар (0,04 га.) |        | Таклифларни топширишнинг охириги мuddати |
|---------|----------|--------|------------------------|------------------------------|---------|-------------------------------------|--------|-------------------------------------|--------|------------------------------------------|
|         |          |        |                        | сонини                       | хонадон | уй рақамини                         | сонини | уй рақамини                         | сонини | уй рақамини                              |
| Тошкент |          |        | 18                     | 1                            | 18      |                                     | 0      |                                     | 0      |                                          |
| 609     | Қибрай   | Мехнат | 18                     | 1                            | 18      | 1                                   |        |                                     |        | 2019 йил 18 февраль 11:00                |
| 610     | Қибрай   | Мехнат | 18                     | 1                            | 18      | 2                                   |        |                                     |        | 2019 йил 18 февраль 11:00                |

Аввал эълон қилинган «Лот №414, 415» ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги «Қишлоқ аҳолиси ва фуқароларнинг айрим тоифалари учун арзон уй-жойлар қуришни кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4028-сонли қарори ижроси юзасидан қишлоқ жойларда аҳолининг кенг қатламларини замонавий ва шинам уй-жой билан таъминлаш мақсадида:

«Қишлоқ қурилиш инвест» масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компанияси  
2019 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун  
пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан тендер савдоларини эълон қилади  
№ 2019-02

Тендер савдолари эълон қилинган сана:  
2019 йил 19 январь  
Тендер таклифларини тақдим этиш  
учун охириг муддат:  
Эълон чоп этилган санадан  
30 кундан сўнг

Қишлоқ жойларда қуриладиган янгиланган намунавий лойиҳалар асо-сидаги уй-жойлар типлари.

1-тип: Тўрт қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар;

2-тип: 0,02 га. ўлчамли ер участкаларида жойлаштириладиган бир қа-ватли 3 хонали уйлар;

1. Тендер иштирокчилари қуйида санаб ўтиладиган ҳар бир тендер пакетлари учун муҳрланган танлов таклифларини киритишлари мумкин.

2. «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИК («БюроТмачи») ҳуқуқий вако-латга эга бўлган тендер иштирокчиларининг қуйида келтирилган шартно-малар бўйича янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қу-рилишини амалга ошириш учун («Қурилиш ишлари») муҳрланган танлов таклифларини киритишларини таклиф қилади.

3. Тендер савдолари Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 апрелдаги 243-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ ўтказилади.

4. Тендер иштирокчилари қўшимча маълумот олиш ва тендер ҳужжат-лари билан танишиш учун Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказларига қуйида кўрсатилган манзиллар бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

|                                                                                                                                                 |                                                                                                                                      |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Қорақалпоғистон Республикаси<br>Манзил: Нукус шаҳри,<br>Ғарезсизлик кўчаси, 59-«А» уй.<br>Телефон: (0-361) 222-74-12<br>Факс: (0-361) 222-74-12 | Хоразм вилояти<br>Манзил: Урганч шаҳри, Пахлавон<br>Маҳмуд кўчаси, 10-уй.<br>Телефон: (0-362) 228 – 52-14<br>Факс: (0-362) 228-51-99 |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|

5. Тендер ҳужжатларининг нусхасини олиш учун тендер иштирокчи-лари қуйидаги тартибда юқорида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

«\_\_\_\_\_ вилояти, \_\_\_\_\_ тумани, \_\_\_\_\_ массивидаги, \_\_\_\_\_ лот \_\_\_\_\_ та якка тартибдаги уй-жойлар қурилишни амалга ошириш учун тендер ҳужжатларини беришингизни сўрайман» шаклида юқоридаги манзилларга ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилиш лозим.

Тендер ҳужжатларини эълон берилган кундан бошлаб барча иштирок-чилар олишлари мумкин.

Кейинчалик қайтариб берилмайдиган пул тўлови тендер ташкилотчила-рининг – Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳу-дудий консалтинг марказларининг тегишли бўлимлари банк ҳисобрақам-ларига ўтказилиши лозим. Бир тўплам танлов ҳужжатлари учун кейинчалик қайтариб берилмайдиган ЭКИХга тенг.

Банк ҳисобрақами реквизитлари қуйида келтирилган:

|                                                                                                                               |                                                                                                                              |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Қорақалпоғистон Республикаси<br>Банк: «Капиталбанк» АТБнинг<br>Нукус филиали,<br>ИНН: 202610040,<br>х/р: 20210000903952518001 | Хоразм вилояти<br>Банк: «Ипотека банк»АТИБнинг<br>Хоразм филиали, МФО: 00579,<br>ИНН: 202503592<br>х/р: 20210000203755947001 |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|

Тендер ҳужжатлари қуйидаги тартибда тақдим этилиши лозим:

– Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳудудий консалтинг марказларига;

– Таклифларни тақдим этиш сўнгги муддатигача;

– Шартномалар рўйхатида кўрсатиб ўтилган вақтгача.

– Тендер ҳужжатларида кўрсатилган тартибда декларация тақдим этиш.

Тендер таклифларининг очилиши таклифлар тақдим этишининг охириг кунда тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган барча ташки-лотлар иштирокида қуйида келтирилган манзилда ўтказилади:

|                                                                                                                                                                 |                                                                                                                                      |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Қорақалпоғистон Республикаси<br>Вазирлар Кенгаши<br>Манзил: Нукус шаҳри,<br>Ғарезсизлик кўчаси, 50-уй.<br>Телефон: (0-361) 222-74-12<br>Факс: (0-361) 222-74-12 | Хоразм вилояти<br>ҳокимияти<br>Манзил: Урганч шаҳри,<br>Хонқа кўчаси, 36/2.<br>Телефон: (0-362) 227-48-07<br>Факс: (0-362) 227-11-13 |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|

Қўшимча маълумотлар учун «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИК-нинг ҳудудий филиалларига мурожаат қилиш мумкин.

Тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар, қу-рилиш ташкилотлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:

| Уй типлари                                                                       | Бир донга уй (хонадон) учун талаб этилади:            |                                                               |                                                         |                                              |                                                        |
|----------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------|----------------------------------------------|--------------------------------------------------------|
|                                                                                  | Талаб этила-диган йиллик ўртача ай-ланма маблаг (сўм) | Қурилиш ма-лакаси ўн-лаш хажм ва ха-рактердаги шартнома (сўм) | Сўнгги бир йил давомида ба-жарилган ер иш-лари хажми м³ | Сўнгги 3 йилда ба-жарил-ган бетон иш-лари м³ | Сўнгги 3 йилда ку-риб би-тирилган уй-лар май-донини м2 |
| 0,02 га. ўлчамли ер участкалари-да жойлашти-риладиган бир қаватли 3 хонали уйлар | 150 000 000                                           | 120 000 000                                                   | 30                                                      | 50                                           | 120                                                    |
| Тўрт қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар                                  | 2 400 000 000                                         | 1 920 000 000                                                 | 360                                                     | 600                                          | 1440                                                   |

Шартнома (лот)лар рўйхати

| Т/р                          | Худуд      | Қишлоқ аҳоли пункти номи | Хонадон сони | Кўп қаватли 2-3 хонали уйлар |         |            | 1 қаватли 3 хонали уйлар (0,02 га.) |                           | Таклифларни топширишнинг охириг муддати |
|------------------------------|------------|--------------------------|--------------|------------------------------|---------|------------|-------------------------------------|---------------------------|-----------------------------------------|
|                              |            |                          |              | сонин                        | хонадон | уй рақаами | сонин                               | уй рақаами                |                                         |
| ЖАМИ                         |            |                          | 1554         | 55                           | 1320    |            | 234                                 |                           |                                         |
| Қорақалпоғистон Республикаси |            |                          | 722          | 25                           | 600     |            | 122                                 |                           |                                         |
| 176                          | Амударё    | Гулзор                   | 24           | 1                            | 24      | 1          |                                     | 2019 йил 20 февраль 11:00 |                                         |
| 177                          | Беруний    | Кўккўз                   | 24           | 1                            | 24      | 1          |                                     | 2019 йил 20 февраль 11:00 |                                         |
| 178                          | Беруний    | Кўккўз                   | 10           |                              |         |            | 10                                  | 1-10                      |                                         |
| 179                          | Беруний    | Кўккўз                   | 10           |                              |         |            | 10                                  | 11-20                     |                                         |
| 180                          | Қонликўл   | Маданият                 | 10           |                              |         |            | 10                                  | 1-10                      |                                         |
| 181                          | Қўнғирот   | Элобод                   | 10           |                              |         |            | 10                                  | 1-10                      |                                         |
| 182                          | Қўнғирот   | Элобод                   | 10           |                              |         |            | 10                                  | 11-20                     |                                         |
| 183                          | Қўнғирот   | Туркистон                | 24           | 1                            | 24      | 1          |                                     | 2019 йил 20 февраль 12:00 |                                         |
| 184                          | Мўйноқ     | Мўйноқ                   | 24           | 1                            | 24      | 1          |                                     | 2019 йил 20 февраль 14:00 |                                         |
| 185                          | Мўйноқ     | Мўйноқ                   | 24           | 1                            | 24      | 2          |                                     | 2019 йил 20 февраль 14:00 |                                         |
| 186                          | Мўйноқ     | Мўйноқ                   | 24           | 1                            | 24      | 3          |                                     | 2019 йил 20 февраль 14:00 |                                         |
| 187                          | Мўйноқ     | Мўйноқ                   | 24           | 1                            | 24      | 4          |                                     | 2019 йил 20 февраль 14:00 |                                         |
| 188                          | Мўйноқ     | Мўйноқ                   | 24           | 1                            | 24      | 5          |                                     | 2019 йил 20 февраль 14:00 |                                         |
| 189                          | Мўйноқ     | Мўйноқ                   | 24           | 1                            | 24      | 6          |                                     | 2019 йил 20 февраль 14:00 |                                         |
| 190                          | Мўйноқ     | Мўйноқ                   | 24           | 1                            | 24      | 7          |                                     | 2019 йил 20 февраль 14:00 |                                         |
| 191                          | Мўйноқ     | Мўйноқ                   | 24           | 1                            | 24      | 8          |                                     | 2019 йил 20 февраль 14:00 |                                         |
| 192                          | Мўйноқ     | Мўйноқ                   | 24           | 1                            | 24      | 9          |                                     | 2019 йил 20 февраль 14:00 |                                         |
| 193                          | Мўйноқ     | Мўйноқ                   | 24           | 1                            | 24      | 10         |                                     | 2019 йил 20 февраль 14:00 |                                         |
| 194                          | Мўйноқ     | Мўйноқ                   | 24           | 1                            | 24      | 11         |                                     | 2019 йил 20 февраль 14:00 |                                         |
| 195                          | Мўйноқ     | Мўйноқ                   | 24           | 1                            | 24      | 12         |                                     | 2019 йил 20 февраль 14:00 |                                         |
| 196                          | Мўйноқ     | Мўйноқ                   | 24           | 1                            | 24      | 13         |                                     | 2019 йил 20 февраль 14:00 |                                         |
| 197                          | Мўйноқ     | Мўйноқ                   | 24           | 1                            | 24      | 14         |                                     | 2019 йил 20 февраль 14:00 |                                         |
| 198                          | Мўйноқ     | Мўйноқ                   | 24           | 1                            | 24      | 15         |                                     | 2019 йил 20 февраль 14:00 |                                         |
| 199                          | Мўйноқ     | Мўйноқ                   | 24           | 1                            | 24      | 16         |                                     | 2019 йил 20 февраль 14:00 |                                         |
| 200                          | Мўйноқ     | Мўйноқ                   | 24           | 1                            | 24      | 17         |                                     | 2019 йил 20 февраль 14:00 |                                         |
| 201                          | Мўйноқ     | Мўйноқ                   | 24           | 1                            | 24      | 18         |                                     | 2019 йил 20 февраль 14:00 |                                         |
| 202                          | Мўйноқ     | Мўйноқ                   | 24           | 1                            | 24      | 19         |                                     | 2019 йил 20 февраль 14:00 |                                         |
| 203                          | Мўйноқ     | Мўйноқ                   | 24           | 1                            | 24      | 20         |                                     | 2019 йил 20 февраль 14:00 |                                         |
| 204                          | Тўрткўл    | Уллубоғ                  | 24           | 1                            | 24      | 1          |                                     | 2019 йил 20 февраль 16:30 |                                         |
| 205                          | Тўрткўл    | Уллубоғ                  | 10           |                              |         |            | 10                                  | 1-10                      |                                         |
| 206                          | Тўрткўл    | Уллубоғ                  | 10           |                              |         |            | 10                                  | 11-20                     |                                         |
| 207                          | Тўрткўл    | Уллубоғ                  | 10           |                              |         |            | 10                                  | 21-30                     |                                         |
| 208                          | Тўрткўл    | Уллубоғ                  | 10           |                              |         |            | 10                                  | 31-40                     |                                         |
| 209                          | Чимбой     | Конши                    | 8            |                              |         |            | 8                                   | 1-8                       |                                         |
| 210                          | Чимбой     | Жипек жол                | 24           | 1                            | 24      | 1          |                                     | 2019 йил 20 февраль 17:00 |                                         |
| 211                          | Элликқалъа | Элликқалъа               | 12           |                              |         |            | 12                                  | 1-12                      |                                         |
| 212                          | Элликқалъа | Элликқалъа               | 12           |                              |         |            | 12                                  | 13-24                     |                                         |
|                              | Хоразм     |                          | 832          | 30                           | 720     |            | 112                                 |                           |                                         |
| 213                          | Боғот      | Дехқонобод               | 24           | 1                            | 24      | 1          |                                     | 2019 йил 21 февраль 11:00 |                                         |
| 214                          | Боғот      | Дехқонобод               | 24           | 1                            | 24      | 2          |                                     | 2019 йил 21 февраль 11:00 |                                         |
| 215                          | Боғот      | Дехқонобод               | 24           | 1                            | 24      | 3          |                                     | 2019 йил 21 февраль 11:00 |                                         |
| 216                          | Гурлан     | Чинобод                  | 24           | 1                            | 24      | 1          |                                     | 2019 йил 21 февраль 11:30 |                                         |
| 217                          | Гурлан     | Чинобод                  | 24           | 1                            | 24      | 2          |                                     | 2019 йил 21 февраль 11:30 |                                         |
| 218                          | Гурлан     | Чинобод                  | 24           | 1                            | 24      | 3          |                                     | 2019 йил 21 февраль 11:30 |                                         |
| 219                          | Гурлан     | Чинобод                  | 24           | 1                            | 24      | 4          |                                     | 2019 йил 21 февраль 11:30 |                                         |
| 220                          | Қўшқўпир   | Маданият                 | 24           | 1                            | 24      | 1          |                                     | 2019 йил 21 февраль 12:00 |                                         |
| 221                          | Қўшқўпир   | Маданият                 | 24           | 1                            | 24      | 2          |                                     | 2019 йил 21 февраль 12:00 |                                         |
| 222                          | Қўшқўпир   | Маданият                 | 24           | 1                            | 24      | 3          |                                     | 2019 йил 21 февраль 12:00 |                                         |
| 223                          | Қўшқўпир   | Адолат                   | 8            |                              |         |            | 8                                   | 1-8                       |                                         |
| 224                          | Қўшқўпир   | Адолат                   | 8            |                              |         |            | 8                                   | 9-16                      |                                         |
| 225                          | Қўшқўпир   | Хосиен                   | 7            |                              |         |            | 7                                   | 1-7                       |                                         |
| 226                          | Қўшқўпир   | Хосиен                   | 7            |                              |         |            | 7                                   | 8-14                      |                                         |
| 227                          | Урганч     | Корамон                  | 24           | 1                            | 24      | 1          |                                     | 2019 йил 21 февраль 14:00 |                                         |
| 228                          | Урганч     | Корамон                  | 24           | 1                            | 24      | 2          |                                     | 2019 йил 21 февраль 14:00 |                                         |
| 229                          | Урганч     | Корамон                  | 24           | 1                            | 24      | 3          |                                     | 2019 йил 21 февраль 14:00 |                                         |
| 230                          | Урганч     | Корамон                  | 24           | 1                            | 24      | 4          |                                     | 2019 йил 21 февраль 14:00 |                                         |
| 231                          | Ҳазорасп   | Питнак                   | 24           | 1                            | 24      | 1          |                                     | 2019 йил 21 февраль 14:30 |                                         |
| 232                          | Ҳазорасп   | Питнак                   | 24           | 1                            | 24      | 2          |                                     | 2019 йил 21 февраль 14:30 |                                         |
| 233                          | Ҳазорасп   | Питнак                   | 24           | 1                            | 24      | 3          |                                     | 2019 йил 21 февраль 14:30 |                                         |
| 234                          | Ҳазорасп   | Питнак                   | 24           | 1                            | 24      | 4          |                                     | 2019 йил 21 февраль 14:30 |                                         |
| 235                          | Хонқа      | Порлоқ                   | 24           | 1                            | 24      | 1          |                                     | 2019 йил 21 февраль 15:00 |                                         |
| 236                          | Хонқа      | Порлоқ                   | 24           | 1                            | 24      | 2          |                                     | 2019 йил 21 февраль 15:00 |                                         |
| 237                          | Хива       | Парчанхос                | 8            |                              |         |            | 8                                   | 1-8                       |                                         |
| 238                          | Хива       | Парчанхос                | 8            |                              |         |            | 8                                   | 9-16                      |                                         |
| 239                          | Хива       | Индавак                  | 13           |                              |         |            | 13                                  | 1-13                      |                                         |
| 240                          | Хива       | Индавак                  | 11           |                              |         |            | 11                                  | 14-24                     |                                         |
| 241                          | Хива       | Шомохулум                | 8            |                              |         |            | 8                                   | 1-8                       |                                         |
| 242                          | Хива       | Шомохулум                | 8            |                              |         |            | 8                                   | 9-16                      |                                         |
| 243                          | Хива       | Шомохулум                | 8            |                              |         |            | 8                                   | 17-24                     |                                         |
| 244                          | Шовот      | Истиқбол                 | 24           | 1                            | 24      | 1          |                                     | 2019 йил 21 февраль 16:30 |                                         |
| 245                          | Шовот      | Истиқбол                 | 24           | 1                            | 24      | 2          |                                     | 2019 йил 21 февраль 16:30 |                                         |
| 246                          | Шовот      | Бўстон                   | 24           | 1                            | 24      | 1          |                                     | 2019 йил 21 февраль 16:30 |                                         |
| 247                          | Шовот      | Бўстон                   | 24           | 1                            | 24      | 2          |                                     | 2019 йил 21 февраль 16:30 |                                         |
| 248                          | Янгиариқ   | Вакиллар                 | 24           | 1                            | 24      | 1          |                                     | 2019 йил 21 февраль 17:00 |                                         |
| 249                          | Янгиариқ   | Вакиллар                 | 24           | 1                            | 24      | 2          |                                     | 2019 йил 21 февраль 17:00 |                                         |
| 250                          | Янгиариқ   | Тузлоқ                   | 10           |                              |         |            | 10                                  | 1-10                      |                                         |
| 251                          | Янгиариқ   | Таган                    | 8            |                              |         |            | 8                                   | 1-8                       |                                         |
| 252                          | Янгибозор  | Қадрият                  | 24           | 1                            | 24      | 1          |                                     | 2019 йил 21 февраль 17:30 |                                         |
| 253                          | Янгибозор  | Қадрият                  | 24           | 1                            | 24      | 2          |                                     | 2019 йил 21 февраль 17:30 |                                         |
| 254                          | Янгибозор  | Халқобод                 | 24           | 1                            | 24      | 1          |                                     | 2019 йил 21 февраль 17:30 |                                         |
| 255                          | Янгибозор  | Халқобод                 | 24           | 1                            | 24      | 2          |                                     | 2019 йил 21 февраль 17:30 |                                         |





Тахририятларга йўлланаётган мактублар орасида шундайлари ҳам бўладики, ўқисанг, аъзойи баданинг жимирлаб кетади. Ҳали шу чоқча бировга кўнглини очмаган, бошига не келса ичига ютиб, сирини яқин кишисидан ҳам яшириб келаётган қиз, ёрлиги боис ҳаёт чорраҳаларида йўлини йўқотган йигит, виждон азобидан адоий тамом бўлаётган келинчак, икки ўт орасида ёнаётган муштирап она, шайтон васвасига учган ота ва бошқаларнинг ҳасратларига эътибор бермаслик, баъзан эса муносабат билдирмаслигининг иложи йўқ. Аммо мактублардаги сирларни ошкор қилиш одобдан эмас.

Шундоқ деймиз-у, бошқа мулоҳаза ҳам бор. Адашаётганлар ози? Кўриб-билиб туриб ўз бахтларига ўзлари зомин бўлаётганлар, тўғри йўлдан бурилиб, ота-она шаънига гард юктираётганлар камми? Кам эмас. Шундай экан, адашганларнинг тазаррулари кимгадир сабоқ бўлиши мумкин-ку?

Мана, Марғуба исми қиздан келган тазарру мактублардан бири.

## Уч узук қиссаси

### Виждон азоби

«Дунёда виждон азобидан оғир дард йўқ экан. Бу дард юрагимни кемиради, туриб-туриб ўзимга ўзим хунук кўриниб кетаман. Бир лаҳзалик ҳавас деб шу кунларга қолдим. Талабалик йиллари вилоятда яшайдиган Раъно исми дугонанинг уйига борган эдик. Мен билан бирга яна уч нафар қиз тоғ ёнбағрида жойлашган қишлоқда мираси дам олдиқ, меҳмон бўлдиқ.

Учинчи кун шаҳарга қайтамиз деб турганимизда, қўшни маҳаллада тўй бўлиб қолди. Раъно «тўйни ўтказиб кетайлик, мактабда бирга ўқиган дугонам», деб туриб олди.

Тўй яхши ўтди. Урф-одатлари бошқача экан, кўриб роса яйрадик. Раънога қўшилиб, унча-мунча юмушларига қарашвордик. Ювилган бир даста идишларни кўтариб хоналардан бирига кирган эдим, кўзим тоқча бетидан турган тилла тақинчоқларга тушиб қолди. Ёқут кўзли узук, балдоқ. Узукни ҳавас қилиб, бармоғимга тақдим. Ўшанда хаёлимда ёмон фикр йўқ эди. Шунчаки ҳавасим келиб таққандим. «Ўқилишимни тугатиб олсам, мен ҳам келин бўламан, мана шунақа узук тақаман», деб ўйлагандим.

Шу пайт хонага кимдир кириб қолди. Узукни бармоғимдан чиқаза олмадим. Ноилож қўлимни яшириб қўшни хонага чиқдим. Пайт пойлаб туриб, жойига қўймоқчи бўлдим, аммо у ерга эркак меҳмонлар кириб, ўтириб олишди. Нима қилишимни билмай қолдим. Биров кўриб қолса, «бу қиз ўғри экан», дейди деб, узукни сўмқачамга солдим. Ичим тўла ваҳима. Ҳамма худди мени зимдан кузаётгандек бўлаверди. Раъно келиб, «Ҳа, ўртоқжон, чарчаган кўринасан, хоҳласанг, сингилларим билан тепаликка чиқиб айланиб келинглар», деди. Мен «Йўқ, чарчаганим йўқ», дейман, аммо ўзимнинг овозимни ўзим танимайман.

Кечкурун поездга чиқишимиз керак. Кечгача бир амаллаб жойи-

га қўяман, деб ўйладим. Иложи бўлмади. Тўйхонага меҳмонлар гуррас-гуррас келаверишди. Тушдан кейин ҳаммамиз дугонанинг кига қайтиб келдик. Ҳадеб сўрайверишганидан кейин «бошим оғриб қолди», дейишга мажбур бўлдим.

Тошкентга келгач аҳволим ёмонлашди. Ҳаммадан ҳадиксирайдиган, икки киши бир чеккада гаплашиб туришган бўлса, худди улар менинг ғийбатимни қилаётгандай бўлаверди. Ранг-рўйимга қараб бўлмайди. Бу орада онам касалланиб ётиб қолдилар. Оилада ёлғиз қиз бўлганим учун, ўқилишим ҳам кўзимга кўринмай, олдиларида ўтирдим. Яратганининг иродаси экан, бир ойга етиб-етмай оламдан ўтдилар. Дугоналарим кўнглимни кўтаришади, ҳол-аҳвол сўрашади, мен бўлсам уларнинг кўзига ҳадик билан тикиламан. Кейин...

Раънохон уйига бориб келди. Хаёлим унда, оғзини пойлайман. Кўзига қарайман. Неча бор бўлган гапни шартта айтиб, ўзимни оқлаб олай дейман-у, кўрқаман. Узук кўзимга балодек кўринади, қарерга яширишни билмайман. Охири битта ишонган ўртоғимга кўрсатиб (у бошқа олийгоҳда ўқирди), «Шу омонат сенда туриб турсин», дедим. Хўп, деб олиб кетди. Кейин билсам, яна хато қилган эканман. Ўша ўртоғим бир кун келиб, «Дугонажон, мени кечир, узукни йўқотиб қўйдим», деса бўладими? Тилимни тиллаб қолавердим.

Бир кун хонада уч-тўрт қиз чой ичиб ўтирган эдик, кимдир Раънога «Баҳорда биз ҳам тоқча бораёлик, дугонажон?», деб қолди. Раъно худди шу гапни кутиб тургандай, «Э, қўйсаларинг-чи, Алижон овга чиқди, кетидан ғавво чиқди», деса бўладими?! Юрагим «шуув» этиб кетди. Бир нимани баҳона қилиб аста ташқарига чиқдим. Бу ерда ортиқ қола олмаслигимга кўзим етди...

Хуллас, узук йўқолди, ўқилишим расво бўлди, номим ёмонотлиққа чиқди. Оилам бор, икхита ширин-

дан ширин қизалоқларга онаман. Аммо никоҳ узугини қўлимга олдим дегунча баданим музлаб кетади. Виждон азоби ҳали-бери мени тинч қўймайдиганга ўхшайди. Айтинлар, нима қилсам, бу азобдан қутуламан...

Ўйлаб-ўйлаб, ушбу мактубни тахририят шарҳи билан эълон қилишга қарор қилдик. Газетада босилиб чиқди. Биз унда ҳар икки синглимизга ҳам тўғри маслаҳатлар бердик. Аммо на хат муаллифи, на Раънодан садо бўлди... Орадан бир неча йил ўтгач, янги йил муносабати билан тахририятга келган табриклардан бирида «Янги йил билан табриқлайман. Тўғри маслаҳат берганингиз учун раҳмат! Ҳаммаси жойида, виждон азобидан қутулдим. «Синглингиз Марғуба», деган сўзларга кўзим тушди-ю, кўнглим хотиржам бўлди.

## Ўғри ҳакка

Тахририятга йўлланган бошқа бир мактубда баён қилинган азобли бир воқеани орадан анча йиллар ўтган бўлса ҳам, унутмайман. Ҳовлида изгиб юрган ҳакка, олақанот ва бошқа қушларга кўзим тушди дегунча, ёдимга тушади. Мактуб муаллифи сирли бир «ўғрилиқ» туфайли оиласидан ажраган, номи маҳаллада бадном бўлган бегунох келинчак. Мана, ўша мактуб.

«Катта ҳовилили уйга келин бўлиб тушганман. Кеч куз эди. Қайнотам ва қайнонам Ҳаж ибодатини адо этиб келишди. Ҳамма уларни тавоф қилгани келишди. Уйимиз икки-уч кун меҳмонлар билан тўлди. Қозонларимиз тинимсиз қайнайди.

Ҳаммани кузатиб бўлгач, хоналарни йиғиштира бошладик. Икхита қайинсинглим билан ҳамма нарсани жой-жойига қўйиб бўлган ҳам эдикки, катта қайинсинглим қутилмаганди жазаватга тушиб, «Тилларим йўқолди, ким олган бўлса ҳам, берсин, шармандасини чиқараман», деб шовқин сола бошлади. Ҳанг-у манг бўлиб қолдим. Ҳовлидаги тош ўчоқда сув иситиб, идишларни ювгандик. Айтишчи, у қўлидаги тақинчоқларини ўша ерга ечиб қўйган экан. У ерга биздан бошқа ҳеч ким борган эмас. Ҳамма менга қарайди. Мен эса кимга қарашимни билмайман. Қидирмаган жойимиз қолмади, аммо топа олмадик. Хуллас, тақинчоқларни мен «ўғирлаган» бўлиб чиқдим.

Бу гап ўша кунгидея маҳаллага ўрмалади. Кўчага чиқа олмай қолдим. Миш-миш авжига чиқди. Мактабдан келаётган болалардан бири ҳаммага эшиттириб, «Ана, ўғри келин»

деди. Уйимдагилар келишди. Қайнотам «Хўш, келин олмаган бўлса, ким олади, қуда?» деди. Қайнонам фолбин аёлга бориб кўрсатган экан, «Тақинчоқлар йўқолмаган, яшириб қўйилган» дебди. Бу гапдан кейин кўзимга икки олам қоронғи бўлиб кўринди-ю, болаларимни етаклаб, уйдан кетдим.

Орадан уч-тўрт ой вақт ўтди. Аслида, уч-тўрт ой эмас, мен учун азобли минг йил ўтди деса, ҳам бўлаверади. Худодан умид қилиб юрдим, бошқа иложим йўқ эди. Ниҳоят, бир кун...

Баҳорнинг бошлари эди. Турмуш ўртоғим ҳовли четидида кекса ёнғоқнинг тарвақайлиб кетган шохларини кесиб унун, тепасига чиққан экан, ҳакка солган уялардан бирида нималардир ялтиллаб турган эмиш. Қараса, кичик-кичик ойна синиклари ва... ўша йўқолган тақинчоқлар. Хурсанд бўлганидан дарахтдан йиқилиб тушай дебди. Тақинчоқлар топилди, дея уйимизга суюнчилаб келишди. Аммо бу хушхабар бизга – мен, ота-онам болаларимга тариқчалик таъсир қилмади. Ёнғоқли ҳовлига қайтиб боришга ўзимда куч топа олмадим...

Бу хатни ҳам, воқеалар қарерда, қайси манзилда бўлганини бироз пардалаб эълон қилдик. Нотаниш синглимизни болаларни етим қилмасликка ундадик. Ордан кўп ўтмай, жавоб хати олдиқ. Унда биргина жумла ёзилган эди: «Борди-ю бу воқеа сизларнинг бир туғишган сингилларингиз билан бўлганида, уни оиласига қайтишига маслаҳат берармидингиз?»

Бу саволга жавоб ёзмадик. Баъзан шунга афсус қилиб кетаман.

## Сирли саёҳат

Бу воқеани менга яқин дўстим айтиб берган. Тафсилоти қуйидагича:

Шаҳар поликлиникаларидан биридаги хона. Врач йигит ва икки нафар ҳамшира тушлик қилиб ўтиришди. Оқатланиб бўлишгач, ҳаммалари ўринларидан туришади. Врач жўмракни очиб, қўлини ювади, ҳамширалардан бири унга сочиқ тутди. Шу пайт врачнинг бармоғидаги узук овоз чиқариб полга тушади ва... сакрайди. Хонадагиларнинг ҳаммаси узукнинг полга тушиб, жаранглаганини кўришади, аммо...

Узук исиз йўқолади. Бир соат, икки соат қидириб ҳам топа олинмади.

Уч киши бир-бирига қарайди. Ҳеч ким ташқарига чиқмайди. Бундай пайтда, ким хонадан чиқса, шубҳага қолиши аниқ. Иш вақти тугайдикки, узук топилмайди. Уйга кетиш керак. Ҳеч ким бу тўғрида ўйламайди ҳам. Аксинча, кийимларини ечиб, кийимларининг ичинини ағдариб-тўнтариб, бир-бирларига кўрсатишади. Жуда хунук, қоғозга тушириб бўлмайдиган ҳолат юзага келади.

Кейин... ноилож, эшикни кулфлаб, бирин-кетин хонадан чиқишади.

Узук эртасига ҳам, индинига ҳам топилмайди. Бутун поликлиника узук йўқолган хонани илмат-тешик қилиб қидиради, аммо фойдаси бўлмайди. Гап-сўз кўпаяди. Икки ҳамшира олов ичида қолади. Ҳамкасбларга қўши-

либ, мижозлар ҳам уларга ёвқараш қила бошлашади. Бирин-кетин ишдан бўшашга ариза ёзишади. Бош врач аризаларга «Узук топилмагунча ҳеч ким жойидан қимирламайди» деб имзо чекади. Қизлардан бирининг турмуш ўртоғи поликлиникага келиб, врачга «Ака, узугингиз қанча турарди, мана пул...», дейди. Узук эса йўқ, шу сакраганича, осмонга учиб кетгандай бўлади. Беморлардан бири ўзини Шерлок Холмс ҳисоблаб, қизлардан «Ўша кунни дераза дарчаси очикмиди, ёпиқмиди?» деб ҳам сўрайди.

Алқиса, бу хунук воқеа билан боғлиқ миш-мишлар пасайиш ўрнига, кун сайин семириб, бўртиб, янги-янги тахминлар билан бойиб турган бир пайтда узук ўз-ўзидан топилади-қолади. Каердан денг, поликлиника жойлашган манзилдан ўн беш километр узоқликдаги жойдан!

Орадан икки ҳафталар вақт ўтгач, узугини йўқотган врачнинг хотини ювилган кийим-кечакларни дазмоллаётган экан, шимнинг бир почасидаги манжет ичида бир нарсга тургани маълум бўлади. Қараса — узук! У полга тушиб, тўғри эрининг почасидаги манжет ичига тушиб, ўша ерда жимгина ётган экан...

Бу воқеани эшитгач, бир нималарни баҳона қилиб, узук йўқолган поликлиникага бордим. Ҳамширалар аллақачон бу ердан бўшаб кетишган экан...

Аҳмаджон МЕЛИБОВ

### Санъат

Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳамда Р.Глиэр номлидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ҳамкорлигида олмон маданиятига бағишланган маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди. Унда ёш ва иқтидорли ўқувчилар Кирнбергер, Бах, Бетховен, Вебер, Гольтерман каби олмон бастакорларининг мусиқий асарларини маҳорат билан ижро этишди.

## Мумтоз мусиқа байрами



— Мени Иоганн Себастьян Бах ижоди ҳамиша ҳайратга солган. Унинг оҳанглар тўлқини кишини мусиқанинг сеҳрли оламига фарқ қилади, — дейди Р.Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи 2-босқич ўқувчиси Шамсиддин Баҳодиров. — Бах мусиқа жанрлар, орган мусиқаси, итальян операси, клавесин ва клавир мусиқасини умумлаштириб, бадий яқун бера олган.

Айтиш лозимки, буюк композиторнинг мусиқий меросида мингдан зиёд асарлар бор. Улар сирасига асосан орган мусиқаси, клавир, скрипка ва бошқа чолғулар учун асарлар ҳамда вокал, вокал-драматик жанрлари ва бошқаларни киритиш мумкин. Бахнинг ижодида орган муҳим ўрин тутди. У ўз даврида органининг янги имкониятларини очиб берган.

Олмон миллий маданияти мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтган бўлиб, ўзига хос оҳанглар, латиф ҳиссиётларга жуда бой. Концертда иштирок этганлар бунга яна бир қарра амин бўлишди. Тадбир мумтоз мусиқа байрамига айланиб кетди.

Муқаддас РАЗЗОҚОВА,  
«Ishonch» муҳбири

## Тақдир танловга боғлиқми?

«Бизнинг сайёрада бир буюк ҳақиқат барқарор: агар сиз чиндан ҳам ниманидир орзу қилсангиз, унга албатта эришасиз. Зотан, бу орзу Олам Қалбида ҳам туғилади ва айни шунинг ўзи сизнинг Ерда мавжудлигингиз тасдиғи, сизнинг тақдирингиз». Машхур испан ёзувчиси Паоло Коэльонинг ушбу ҳикматли сўзлари келтирилган «Алкимёгар» асарида инсон тақдирини аниқ мақсадлар сари ўзгартириш йўлида кези келганда ўзига-ўзи савол бериш билан бирга озланишдан, ҳаракатдан тўхтамаслиги кераклиги таъкидланади. Шундагина у асар қаҳрамони Сантьягодек тушида кўрган орзусини рўёга айлантириш имконига эга бўлади.

Олдинлари бунга унчалик ҳам ишонмас эдим. Кейинчалик ҳаётий тажрибам ошганида инсоннинг катта-катта муваффақиятларга эришишида, албатта, унинг тўғри танлови ва бу йўлдаги жиддий ҳаракати асосий ўрин тўтишига амин бўлдим.

Эндигина олий ўқув юртига ўқишга кирганимда бир

воқеага гувоҳ бўлгандим. Ўшанда ўқув йили бошланмаган, биз — контракт асосида ўқишга кирганлар тўлов шартномасини олиш ниятида навбат кутиб турардик.

Орамазда бир аёл ҳам бор эди. У ўқишга қабул қилинган укасига шерик бўлиб келган экан. Укасининг омадидан қувонган опа ўз ҳаёти ҳақида ҳам гурунг бериб қолди. Айтишчи, коллежнинг учинчи курсида ўқиётганда олийгоҳга кириш имтиҳонларига тайёрланиш мақсадида қўшимча дарсларга қатъий бошладди. Аммо дугоналарининг «Эй, қўйсанг-чи, танишинг бўлмаса ўқишга қира олмайсан. Ўқиб нима қиласан, дунёни олиб берасанми?» деган гаплари уни фикридан қайтарган. Шундан сўнг «Ўқилишим учун сарфланадиган пулга енгил автомобиль олиб беринг», деб отасини ҳоли-жонига қўймади. Ақли кирганида эса «қоғоз аллақачон кетиб бўлган экан».


«Энди қанчалик афсус қилмайин, кеч. Бу хатони укам ҳам тақрорламаслиги учун унинг ўқишига эътибор бера

бошладим. Одамлар нима деса ҳам умидингизни сўндирма, мақсад сари одимла. Бошқалар сени оғзингдангиз нонни олиб қўйиши мумкин, лекин бошингдангиз ақлингизни тортиб ололмайди», сингари насиҳатлар билан уни руҳлантирдим. Натижада укам етарли балл тўплаб, талабалар сафига қабул қилинди. Мана шундай талабаланинг ширин ташвиши ортидан юришингизни ҳис қилиб, сизларга жуда ҳам ҳавасим келяпти. Қанийди, ўтган йилларни ортга қайтара олсам...», — дейди у.

Ҳа, ҳаёт инсонга кўплаб имкониятларни тортиқ қилади. Шу билан бирга, машаққат ва синовлар ҳам юборади. Албатта, уларни енгиб ўта олса, саодат қалитини кўлга киритамиз. Зеро, муқофотга меҳнатсиз эришилмайди.

Дарвоқеа, инсон энг оғир дамларда сув ва ҳаводек зарур сабр-қаноатга эга бўлиши ва ўта танг вазиятларда ҳам тақдир орзулари амалга ошишига ёрдам беражигини ёдда тутмоғи керак.

Махлӣи УМИРЗОҚОВА,  
«Ishonch» муҳбири



МУАССИС:



2007 йил 11 январда  
Ўзбекистон Матбуот ва  
ахборот агентлигида  
116-рақам билан рўйхатга  
олинган.

Бош муҳаррир  
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Касаба уюшмалари ҳаёти — (71) 256-64-69  
Хўқуқ ва халқаро ҳаёт — (71) 256-52-89  
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — (71) 256-82-79  
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — (71) 256-85-43  
Маркетинг ва обуна — (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон  
Республикаси Президентининг фармон ва  
қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий,  
танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни  
билан танишишигиз мумкин.

Манзилими:

100029, Тошкент шаҳри,  
Бухоро кўчаси, 24-ўй.  
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтининг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.  
Газета «Ishonch»нинг компьютер  
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмохонасида  
чоғ этилди. Корхона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-ўй.

Тахририят ҳисобрақами:

2021 0000 0004 3052 7001.

АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,  
Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Худудлардаги муҳбирлар:  
Қорақалпоғистон  
Республикаси — (+998-99) 889-90-22  
Андиқон — (+998-99) 889-90-23  
Жиззах — (+998-99) 889-90-25  
Наманган — (+998-99) 889-98-02  
Навоий — (+998-91) 537-61-76  
Самарқанд — (+998-99) 889-90-26  
Сирдарё — (+998-99) 889-98-55  
Сурхондарё — (+998-91) 233-69-07  
Фарғона — (+998-99) 889-90-24  
Хоразм — (+998-99) 889-98-01  
Қашқадарё — (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилгани шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи  
назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

Х. Норбоев

Навбатчи:

Й. Асадов

Мушаххис:

С. Шодиева

Саҳифаловчи:

Ҳ. Абдуқалилов

ЎЗА яқуни — 23:00

Топширилди — 00:20

Газета офсет усулида,

А-2 форматда босилди.

Ҳамми 4 босма табоқ.

Буюртма Г — 117.

29010 нўсхад босилди.

Нашр кўрсаткичи: 133